



HURRIYAT

MUSTAQIL GAZETA

O'zingni angla!

Chorshanba, 18-noyabr, 2009-yil • №48 (649) • 1996-yil dekabr dan chiqa boshlagan • e-mail: hurriyat@doda.uz • www.uzhurriyat.uz

ҚУТЛУҒ ДАРГОҒГА ШУНЧАКИ ҚАДАМ ҚҮЙИЛМАЙДИ

Илгари ўқитувчи дейилганда журнал кўлтқилаган муаллимларни кўз олдими-га келтирардик. Бугун эса биз уларни замонавий электрон жиҳозлар, компьютерлар билан ёнма-ён кўришга тобора одатланмоқдамиз. Ёки айтайлик, уч-тўрт муаллим биргаликда ўтаётган интеграцион дарс соатлари оммалашмоқда.



⇒ 6-бет

ШОИРУ ШЕЪР ҚАДРИ


Аслида шоир — кўнгил одами. У кайфиятга қараб, ҳар қандай ҳолатни шеърга солиши мумкин. Назаримда ён дафтарда, қундаликда қоладиган шеърларни матбуотга илиниш ширга обрў келтирмайди. Матбуотдаги баъзи машқларнинг ўта ғализ, бетартиб, туйгуларнинг жўн ва қофияларнинг зўрма-зўраки эканини кузатиб, шоиру шеър қадри ҳақида ўйлаб қолсан киши.



⇒ 7-бет

БУ ЙЎЛЛАР ЖАҲОНГА ЭЛТАДИ

... Мустақиллик йилларида халқимиз бунёдкорлиги, меҳнат жасоратлари, эришилган оламшумул натижалар шоирона маҳорат билан тараннум қилинган ўқувчида Ватан туйғусини, келажакка бўлган ишончини янада кучайтиради, элу юртга бўлган садоқатини улғайтиради.



⇒ 8-бет

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

ИШ ҲАҚИ, ПЕНСИЯЛАР, СТИПЕНДИЯЛАР ВА ИЖТИМОЙ НАФАҚАЛАР МИҚДОРINI ОШИРИШ ТЎҒРИСИДА

Республика аҳолисининг даромадлари ва турмуш даражасини янада муттасил ошириб бориш, фуқароларга ижтимоий мададни кучайтириш мақсадида:

1. 2009 йилнинг 1 декабридан бошлаб бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар ҳамда ижтимоий нафақалар, стипендиялар миқдори ўрта ҳисобда 1,12 баравар оширилсин.

2. 2009 йилнинг 1 декабридан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудида энг кам:

иш ҳақи — ойига 37 680 сўм;
ёшга доир пенсиялар — ойига 74 660 сўм;

ягона тариф сеткаси бўйича бошланғич (нулинчи) разряд — ойига 37 680 сўм;

болаликдан ногиронларга бериладиган нафақа — ойига 74 660 сўм; зарур иш стажига эга бўлмаган кекса ёшдаги ва меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга бериладиган нафақа ойига 45 220 сўм миқдоридан белгилансин.

3. Белгилаб қўйилсинки, иш ҳақига қўшилладиган устама ва қўшимча ҳақларнинг барча турлари, шунингдек, пенсиялар, икки ёшга бўлган болаларни тарбиялаётган оналарга, болали оилаларга бериладиган нафақалар ҳамда энг кам иш ҳақига нисбатан белгиланган компенсация ва бошқа тўловлар 2009 йилнинг 1 декабридан бошлаб мазкур Фармонда белгиланган энг кам иш ҳақи миқдоридан келиб чиққан ҳолда амалга оширилад.

4. Белгилансинки, 2009 йилнинг 1 декабридан бошлаб барча турдаги пенсияларнинг ўртача 1,12 баравар оширилиши уларнинг амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ қайта ҳисоблаб чиқилишини инобатга олган ҳолда амалга оширилади, бунда 1991 йилнинг 1 январигача ва ундан кейинги йилларда тайинланган пенсияларнинг миқдори тенглаштирилиши назарда тутилади.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Молия вазирлиги ўн кун муддатда пенсияларни қайта ҳисоблаш тартибини ишлаб чиқсин

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри, 2009 йил 16 ноябрь

ХУРРИЯТ ВА ОЗОДЛИК ТИМСОЛИ

18 ноябрь — Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи қабул қилинган кун

Ҳар бир давлат суверенитетини белгилайдиган рамзлар бор. Давлат байроғи улар орасида алоҳида ўрин тутаяди. Зеро, байроқ халқнинг ўтмиши ва бугуни, мустақиллиги, тинчлиги ва барқарорлигининг тимсолидир.

Ўзбекистон мустақилликка эришганининг дастлабки йилданоқ мамлакат суверенитетининг мўҳим белгиси — Давлат байроғига эга бўлди. 1991 йил 18 ноябрь кунини «Ўзбекистон Республикасининг давлат байроғи тўғрисида»ги қонун қабул қилинди. Бош қомусимизнинг 5-моддасида мамлакатимиз ўз давлат рамзи — байроғига эга бўлиши мустаҳкам белгилаб қўйилган.

Қадимдан юртимиз давлатчилигида байроқ ажодларимиз учун овозлик, куч-қудрат, жасорат, ғалаба тимсоли бўлган. Соҳибқирон Амир Темур салтанатида давлат туғи адолат, буюк куч-қудрат рамзи ҳисобланган. Жангу жадалларда юксак мардлик ва жасорат белгиси сифатида энг кучли баҳодирларга ҳада қилинган. Бобомиз Намиддин Кубро ёв қўлида ша-

ҳид бўлса-да, чангалида маҳкам тутган ҳурлик яловини ҳеч ким ололмаган. Шу боис давлат байроғини муқаддас билиб, кўзга суртадилар, унинг қаршисида тиз чўкадилар. Ун саккиз йилдан буён Ўзбекистон байроғи ҳар бир ватандошимиз учун фахр-ифтихор, йилдан-йил салоҳияти ошиб бораётган буюк давлатчиликнинг миллий рамзидир.

2 »



ҲАВАСНИ КЕЛТИРАДИГАН УЙЛАР ЁКИ МАМЛАКАТИМИЗДАГИ БУНЁДКОРЛИК ИШЛАРИНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ ХУСУСИДА

Мустақиллигимиз шарофати, Президентимизнинг ташаббуси, гамхўрлиги туфайли шахсий уй-жой қуришга алоҳида эътибор кучайди. Бу борада аҳолини қўллаб-қувватлаш юзасидан муҳим ҳужжатлар қабул қилинмоқда.

Кейинги 5-6 йилда қишлоқларимизга ҳавас қиладиган бўлиб қолдик. Энг чекка жойларда ҳам муҳташам коллеж, мактаблар қурилади. Уй-жойларни айтмайсизми! Қишлоқдаги баъзи ҳовлилар, бинолар шаҳарлардан асло қолишмайди.

Ҳатто ўтган йили «Энг намунали хонадон» вилоят танловида совринга давгогарлардан бири хулосамизга эътироз билдирганди.

— Ҳаммаёқ озода, тоза, гул экилган, дарахтлар бор. Дар-

возамизга ҳамма ҳавас қиладди. Сизлар эса ўрин берма-яписизлар.

Биз у кишига ётиги билан тушунтирдик.

— Ҳовлининг чиройига гап йўқ. Лекин ўғил-қизлар бир

хонада ётишда. Алоҳида дарсхона, кутубхона йўқ. Аксинча, меҳмонхона жуда катта. Молхона ошхонага тутшиб кетган, ҳожатхона жуда чеккада. Унга борувчи йўл лой.

Уй соҳиб бу суҳбатдан сўнг кўн нарсани тушуниб етди.

— Эҳ-ҳе, бутунлай янгича қурилиш қилар эканмизда-а? — деди.

Ҳа, янгича қурамыз. Энди бир замонлардагидай уйлар қуриш кетмайди.

(Давоми 3-бетда.)

ИФТИХОР

Биз бахтли фарзандлармиз

Ўзбек қизиман. Таржиман ҳолим бир неча сатрга жо бўлади, асли. Уқиятман, спорт билан шугулланаятман, шу кунгача озми-кўпми натижаларга эришдим. Халқимиз орасида унча оммалашмаган синхрон сузиш билан шугулланаман. Ўзбекистон каби бой тарих ва умрбоқий маънавий меросга эга юртда камол топаётганимдан беҳад бахтиёрман. Ҳар гал халқаро мусобақаларда иштирок этиш учун хориж сафарига чиққанимда чет эллик тенгдошларимга фахру ифтихор билан бой ўтмишимиз ва бугунги бахтиёр кунларимиз ҳақида ҳақоя қилиб берман. Хорижий дўстларимни, айниқса, узоқ мезгилда ўтган момоларимизни жасорати, улугвор ишлари ҳайрон қолдиради.



Машҳур муаррих Геродот «Тарих» китобида юртимиз аёллари моҳирлик билан жанг қилганлари, югуриб кетаётган от устида ортага ўгирилиб камондан найза ота олганларини ҳайрат билан тасвирлайди. Эраимиздан аввалги I асрда яшаган яна бир юнон тарихчиси «Икки дарё оралиги аёллари хатарларни ҳам эр-каklar билан бирга баҳам кўради», дея улуглайди.

Ҳа, Тўмарис, Барчиной сингари мағрур аёлларнинг авлоди эканимдан гурурланаман, миллатнинг тоғи бўлиб яшаган момоларимиз, оналаримиз, опаларимизга ўхшасам дейман. Фахру ифтихор туйғуси эса мени янги марралар, янги муваффақиятлар сари чорлайди. Синхрон сузиш — спортнинг гўзал ва машаққатли тури. У қизларга хос нафосат ва латофатни шақллантиради. Машгулотлар спортчини чиниктиради, ҳаёт синоварига тайёрлайди.

(Давоми 2-бетда.)

САЙЛОВ — 2009

САЙЛОВГА ДАҲДОРЛИК МАСЪУЛИЯТИ

Халқимиз мамлакат ва жамият ҳаётидаги йирик ижтимоий-сиёсий воқеа — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига сайловларга қизгин тайёргарлик кўрмоқда. Сайлов халқнинг ўз хоҳиш-ирода-сини тўғридан-тўғри рўёбга чиқаришининг олий ифодаси, давлат ҳокимияти органларини демократик тарзда ташкил этишнинг асоси ҳисобланади. Фуқароларимизнинг жамият ва давлат ишларини бошқаришда беэвосита ҳамда ўз воқиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқини амалга оширишга қаратилган бу тадбир жараёнида оммавий ахборот воситаларининг ҳамда уларда фаолият олиб бораётган журналистларнинг ўрни алоҳида аҳамият касб этади. Зеро, сайловнинг ошқора ва эркин, демократик тамойилларга мос ҳолда ўтказилиши, унинг ҳақиқий ва адолатли деб эътироф этилиши бу жараённинг оммавий ахборот воситаларида қай даражада ёритилишига боғлиқ.



Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш даврида мамлакат оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлик қиладди. Айни шу мақсадда Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюмчаси, Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат

фонди ҳамда Ўзбекистон Электрон оммавий ахборот воситалари Миллий ассоциацияси ўртасида сайлов жараёнини ёритиш бўйича келишув битими имзоланган. Унга кўра, оммавий ахборот воситалари сайловга тайёргарлик кўриш ва сайлов жараёнини, Марказий сайлов комиссиясининг фаолиятини сайлов қонунчилигига оид барча норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида мунтазам ёритиб боради. Шунингдек, улар сайлов жараёнининг ошқоралиги, очиклиги ва транспарентлиги,

сиёсий партияларнинг сайловолди дастурлари, Ўзбекистон Экологик ҳаракатининг фаолияти, сайлов билан боғлиқ асосий тадбирларнинг мазмуни ва муддатлари ҳақидаги материаллар билан республика аҳолисини ўз вақтида ҳаққоний ва холис хабардор қилиб турадилар. Давлат оммавий ахборот воситалари ўз саҳифаларида сиёсий партиялар кўрсатган депутатликка номзодларга даъватларга киришишлариغا имкон берадилар. Марказий сайлов комиссияси томонидан сай-

ловга тайёргарлик кампанияси қандай ўтаётганидан аҳолини хабардор қилиш мақсадида ташкил қилинадиган семинарлар, давра суҳбатларини уюштириш ва ўтказишда журналистлар иштирок этадилар ва бу жараёнларни оммавий ахборот воситаларида кенг ёритадилар.

Сайлов жараёнларини демократик тарзда ёритишда сўз эркинлиги, оммавий ахборот воситалари фаолиятининг эркинлиги гоят муҳимдир. Мустақиллик туфайли мамлакатимизда оммавий ахборот воситаларига эркинлик берилган ва ҳуқуқий жиҳатдан кафолатланган бу соҳага доир қабул қилинган қатор қонунлар ва Президентимиз Ислам Каримовнинг оммавий ахборот воситалари ҳақидаги фикр-мулоҳаза ва кўрсатмалари бунинг ёрқин далилидир. Давлатимиз раҳбарининг қайд этишича, сўз ва матбуот эркинлиги, шунингдек, ошқораликни, жамиятда ўтказилаётган илоҳотларнинг очиклигини таъминлайдиган демокра-

тик тамойилларни сўзда ёки қозғода эмас, амалий ҳаётда жорий қилиш — жамиятни янада ривожлантириш ва сифат жиҳатидан янгилаш борасидаги энг муҳим устувор йўналишлардан биридир.

Энди сайловларни ёритиш жараёнида оммавий ахборот воситалари қандай йўналишда фаолият олиб боришлари керак, деган савол, назаримда, журналистлар учун гоят муҳимдир. Бу соҳада тўпланган тажрибалар асосида сайлов жараёнидаги оммавий ахборот воситалари фаолиятини бир неча йўналишларга ажратиш мумкин:

Биринчи йўналиш маънавий-маърифий масалаларни қамраб олади. ОАВ бу йўналишда асосан сайловларнинг мазмун-моҳияти ва аҳамияти, тур ва шакллари, мамлакатимизда ўтадиган сайловларнинг ибратли жиҳатлари ҳамда бу борадаги хорижий тажриба ҳақида кенг қўламли ахборот ва маълумотлар бериб боради.

2 »

САЙЛОВГА ДАХЛДОРЛИК МАСЪУЛИЯТИ

(Бошланғичи 1-бетда.)

Иккинчи йўналиш – тарғибот масалалари. Бу йўналишда ОАВда Ўзбекистон Республикасининг сайлов тўғрисидаги қонунчилиги шарҳланади, сайловчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тушунтирилади, сиёсий партиялар ва фуқароларнинг сайловда иштирок этиши билан боғлиқ долзарб масалаларнинг ҳуқуқий-сиёсий жиҳатлари ёритилади.

Учинчи йўналиш – ахборот тарқатиш. ОАВ сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ семинар-тренинглари, конференция ва форумлар, давра суҳбатлари, турли тадбирлар ҳамда сайлов кампанияси, сайлов участкалари, номзодларнинг рўйхатга олинishi ҳақида мунтазам ахборотлар бериб боради. Марказий сайлов комиссиясининг мажлислари ва тадбирлари, сиёсий партиялар олий органларининг депутатликка номзодлар кўрсатиш бўйича ўтказиётган мажлислари, сайлов комиссияларини шакллантириш, сайлов округлари рўйхати, сайлов якунлари ҳақидаги материалларни чоп этади.

Тўртинчи йўналиш – таълим. Сайловда иштирок этишга қўйилган талабларни ўргатиш, сайлов кампанияси бошланғичлигини ОАВда эълон қилади, сайловларни ташкил этишга оид масалалар юзасидан ўз ваколатлари доирасида қарорлар, низоми, йўриқнома чикаради ва тушунтиришлар олиб боради. Марказий сайлов комиссияси мустақил тузилмадир ва қонунга биноан унинг қарорлари ОАВ учун ҳам мажбурийдир. Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисидаги қонунга мувофиқ Марказий сайлов комиссияси сайлов жараёнининг ОАВда ёритилиши бўйича йўриқнома чикаради, сайлов натижалари ва сайланган депутатлар рўйхатини матбуотда эълон қилади.

Бешинчи йўналиш – таълим ва таълим. Бу йўналиш асосан ижтимоий фикрни ўрганиш ва унинг натижаларини ОАВда ёритиш билан боғлиқ жараёнларни кўзда тутади.

Олтинчи йўналиш – жамоатчилик назорати. ОАВ ўзининг юқорида санаб ўтилган йўналишлар бўйича фаолияти билан сайловларнинг очик, ошқор ва қонуний ўтишига қўмақлашиши билан бирга, бевосита ўзига хос жамоатчилик назоратини ҳам амалга оширади. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси сайлов тўғрисидаги қонунга кўра, сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга доир барча тадбирларда, шунингдек, сайлов куни овоз бериш хоналарида, овозларни санаб чиқишда бошқа кузатувчилар қатори ОАВнинг вакиллари ҳам қатнашиш ҳуқуқига эгадирлар.

Сайлов кампаниясининг ҳозирги ғоят ва муҳим жараёнида мамлакатимиз ОАВнинг масъулияти яна ҳам ортиб боради. Зотан, Юртбошимиз айтганларидек, “тақдир — қисмати доим халқ билан боғланган, ҳаётнинг энг қайноқ, энг оғир, ҳал қилувчи жабҳаларида бўлиб, эл-юртнинг қувонч ва ташвишлари, умид ва интилишларини чуқур ҳис қиладиган ва ифода этадиган ноёб касб эгалари” бўлган журналистлар бу жараёндан четда туришлари мумкин эмас. Бугун матбуот, радио, телевидение ва ахборот агентликлариде сайлов кампанияси етакчи ва долзарб мавзуга айланди. Ёўлажак пар-

ламент сайловларини ёритишда мамлакатимизда фаолият юритаётган кўплаб газета ва журналларда мазкур мавзуга дахлдор қизиқарли рухлар пайдо бўлди, телевидение ва радиода ажойиб дастурлар шаклланди.

“Халқ сўзи” ва “Народное слово” газеталари Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг сайловга тайёргарлик жараёни ҳақидаги фаолиятини мунтазам ёритмоқда. Мазкур газеталар саҳифаларида сайлов ва демократия, сиёсий партияларнинг давлат ва жамиятнинг модернизация қилишдаги роли, сайлов округларини ташкил этиш тўғрисида материаллар берилди.

“Правда Востока”, “Овози тожик”, “Нурли жол” газеталарида ҳам сайлов мавзуси изчил ёритилмоқда. “Ўзбекистон овози”, “XXI аср”, “Миллий тикланиш” ҳамда “Адолат” каби партия нашрларида сиёсий партияларнинг парламент сайловидеги иштирокига доир барча масалалар ўз аксини топтоқда.

Бу йилги сайловларнинг ўзига хос хусусияти ва янгилиги шундан иборатки, унда Ўзбекистон Экологик ҳаракатига ҳам депутатликка ўринлар ажратилган. Шу ўринда “Ўзбекистон” теле-радиоканалининг айна мавзуга бағишлаб 17 октябрь куни эфирга узатган “Сайлов — демократия кўзгуси” кўрсатуви диққатга сазовордир. Кўрсатувда Ўзбекистон Экологик ҳаракатининг ташкил этилиши ва фаолияти, унинг атроф-муҳит мусаффолиги, аҳоли саломатлигини сақлашдаги роли, Экоҳаракатта Қонунчилик палатасидан 15 та депутатлик ўрни ажратилишининг аҳамияти, бу депутатларни сайлаш тартиби ҳақида аниқ маълумотлар берилди.

Ҳар ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари

эфирга узатилаётган “Сайлов — демократия кўзгуси” кўрсатувлари ва “Марказий сайлов комиссияси хабарлари” информацион дастурларида сайлов ташкил этиш ва ўтказиш, округ сайлов комиссиялари ва сайлов участкалари, Марказий сайлов комиссиясининг сайлов кампанияси доирасидаги йиғилишлари, қарорлари ҳақидаги маълумотлар атрофлича шарҳланмоқда. Ўзбекистон Электрон оммавий ахборот воситалари Миллий ассоциацияси ташаббуси билан Миллий матбуот марказида ўтказилган медиа-кўнлар, турли семинар ва медиа-форумлар нодавлат худудий теле ва радиостанцияларнинг етакчи мавзуси бўлмоқда.

Сайлов кампаниясини ёритишда ҳақонийлик ва ҳолислик барча оммавий ахборот воситалари учун асосий мезон ва шир бўлиши керак. Бу оммавий ахборот воситаларининг давр кўзгуси сифатидаги обрў-эътиборини янада оширади.

Ҳақонийлик — сайлов жараёнини ёритишда жуда катта аҳамиятга эга. Зеро, ҳақиқатдан, бироз бўлса, чалғиш нафақат матбуот, радио ёки телевидение обрўсига салбий таъсир этади, балки сайловчиларда бу жараёнинг ҳалол ўтаётганлигига ишончсизлик уйғотиши ҳам мумкин. Мана энди сайлов ҳаракати кучга кирар экан, бу жараёни ёритиш билан шуғулланувчи журналистлар учун ҳам маҳорат бобида ҳақиқий синов даври бошланди.

Сайловларни ёритиш жараёнида ҳолислик алоҳида ўрин тутаети ва бу оммавий ахборот воситаларидан катта ҳушёрликни талаб этади. Оддийгина бир информацияда бу тамойилларнинг бузилиши бир партия фаолиятига фойда келтирса, бошқа томонга зарар

бўлиб туриши мумкин.

Шу ўринда теле-радиодестаблар ўтказиш журналистдан катта маҳорат талаб этишини алоҳида таъкидлаш жоиз. Негаки, рақиб партиялар, номзодлар учрашувининг шиддатли кечиси ҳаммамизга маълум. Улар ўртасида ҳолислик мавқени сақлаш, ҳар икки тарафга тенг муносабатни таъминлаш бундай дебатларни олиб борувчи журналистнинг асосий вазифасидир.

Албатта, журналист учун мавзунинг катта-кичиги бўлмайди, лекин парламент сайловлари каби муҳим ижтимоий-сиёсий ҳаракат журналистдан катта билим, укув, зийраклик талаб этади. Шунинг учун ҳам парламент сайловларини ёритишга мамлакатимиз матбуоти, радио ва телевидениесининг Ўзбекистонда сайловларга доир қонунчиликдан яхши хабардор бўлган, юксак малакали ижодкорлари жалб этилган.

Шу ўринда яна бир жиҳатни таъкидлаб ўтиш лозим. Бу — даврий нашрларнинг сайлов ҳаракатидаги иштироки. Бунда уларнинг рейтингини, тиражи, республика миқёсида тарқатилиши каби жиҳатларни ҳисобга олиш керак. Чунки баъзи бир нашрларнинг тиражи катта ва бутун республикани қамраб олса, бошқа бир газетанинг бундай имкониятлари бўлмаслиги мумкин. Демак, уларда ташвиқ этилаётган номзоднинг имконияти ҳам турлича бўлиб қолади. Худди шундай масолини давлат ва нодавлат теле-радиоканаллари ҳақида ҳам айтиш мумкин.

Бу масалага ҳам эътибор бериш керак. Энди яна бир гап. Сайлов жараёни бошланган, табиийки, партиялар ўз ташвиқотларини кучайтирадilar, сайловда имкон қадар кўп овоз олишга интиладilar. Лекин бу ҳаракат ҳолислик, бошқа бир

партияни камситмаган, унинг иззат-нафсига тегамаган ҳолда амалга оширилиши керак. Оммавий ахборот воситаларида бу борада эълон қилинаётган материаллар, уюштирилаётган суҳбатлар, бевосита мулоқотларда юқоридаги ҳолатларга йўл қўйилмаслиги зарур.

Сўз журналистларнинг парламент сайловларида иштироклари ҳақида борар экан, шуни ҳам қайд этиб ўтиш лозимки, Ўзбекистон Республикасининг оммавий ахборот воситаларида доир қонун ҳужжатларида сайловларга тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказиш билан боғлиқ тадбирларда ОАВнинг ўрни ва вазифаларига доир тартиб-қоидалар йўналишлари белгиланмаган. Ҳозирги вақтда Марказий сайлов комиссияси томонидан сайлов кампанияси даврида депутатликка номзодлар, сиёсий партияларнинг сайловдаги ташвиқотини ўтказишда оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиш тартиби тўғрисида низоми ишлаб чиқилди. Бу ҳужжатда сайлов ҳаракати жараёнида журналистларнинг ўрни, ҳуқуқ, мажбуриятлари ўз аксини топан.

Уйлаймики, журналистларимиз Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқини амалга оширишга қаратилган ана шу сайловлар жараёнида ҳақонийлик ва ҳолислик ўрни учун бутун куч, билим, таҳриба ва имкониятларини ишга солиб, ўзларининг жамият олдидаги бурчларини тўлатуқис бажарадилар ва фаол фуқаролик позицияларини намоён этадилар.

Шерзод ҒУЛОМОВ,
Ўзбекистон
Журналистлари ижодий
уюшмаси раиси.



Матбуот конференцияси ўтказилди

Бухоро вилоят ҳокимлигининг матбуот хизмати ва вилоят сайлов округи комиссияси ҳамкорлигида оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирокида сайлов жараёнига оид матбуот конференцияси бўлиб ўтди.

Тадбирда вилоят сайлов комиссияси раиси Аҳад Жумасев журналистларни қизиқтирган саволларга жавоб берад экан, бу галги сайлов илгариларидан тубдан фарқ қилишини ҳамда вилоятдаги 465 та сайлов участкалари ҳозирда қўйилган тадбирга тайёр эканини алоҳида таъкидлаб ўтди.

Шавакат НОСИРОВ,
“Hurriyat” мухбири.

“Иккинчи нон” мўл бўлди

Одатда картошкани “иккинчи нон” ҳам дейишади. “Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили” Давлат дастурини ҳаётига татбиқ қилиш борасида Шуманай туманида бешта фермер хўжалиги далаларига картошка экилганди. Голландия нави картошка урунidan деҳқонларнинг фидокорона меҳнатлари эъзизга мўл ҳосил олинди.

Нукус туманида ҳам ўн бешта фермер хўжалиги аъзолари ушбу нави картошкани экиб, жами 240 тоннадан зиёд аъло сифатли маҳсулот олди.

Ғоиб ЁҚУБОВ,
“Hurriyat” мухбири.

Қишлоқ корхоналарида

“Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили” Давлат дастури асосида Хоразм вилоятининг Янгибозор туманида йил бошидан буён иккита паррандачилик фермер хўжалиги ташкил этилди. Тўққизта иккита қурилиб, ишга туширилди. Шунингдек, иккита асарчилик, тўртта балчилик фермер хўжалиги фаолият кўрсата бошлади. “Уриқзор” фермер хўжалигида сутни қайта ишлаш ва сут маҳсулотларини тайёрлашга ихтисослашган кичик корхона фойдаланишга тошпирди. “Маҳлиё” фермер хўжалигида эса мевасабзавотларни қайта ишлаб чиқаришга мўлжалланган консерва заводи ўз фаолиятини бошлади. Шу туфайли янгида йўлаб иш ўринлари вужудга келди.

Замонавий технологияларни ишлаб чиқаришни жорий этиш, қишлоқ аҳолисига сервис хизмат кўрсатишни янада яхшилаш диққат марказида турибди. Бу борада “Еғди” хусусий фирмаси, “Мадраҳимхон” фермер хўжалиги қўл ураётган хайри ишлар эътиборга молик. Бу жомалар Хитой Халқ Республикасидаги корхоналар билан ҳамкорликда қуёш батареялари, моторолерлар ишлаб чиқариш борасида қўшма корхоналар ташкил этиш бўйича иш олиб борилмоқда.

Тузалбой РАҲИМБОВ,
“Hurriyat” мухбири.

Ноғиронларга гамхўрлик

Яқинда Қўзи оғизлар жамиятининг Марказий қўзи оғизлар кутубхонасида “Энг меҳри кутубхоначи” республика танлови бўлиб ўтди. Мазкур танловда голиблик вилоят босқичида муваффақиятга эришганлар ўртасида келди. Тадбир “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати, Тошкент шаҳар Маданият ходимлари касаба уюшмаси, Учтепа тумани ҳокимлиги ва “Тасвирий ойна” ижодий уюшмаси ҳамкорлигида ташкил этилди.

Айни пайтда мамлакатимизда қарийб қирқ минг нафар қўзи оғизли қўзи қўзи қўзи бўлиб, улар учун саксонга яқин кутубхона беминнат хизмат кўрсатмоқда. Жиззах вилояти қўзи оғизлар кутубхонаси шарафини муносиб ҳимоя қилган Шоира Ҳамидова танловнинг “Энг меҳри кутубхоначиси” номини буйича голибликни қўлга киритди.

Альям ХУҲАҚУЛОВ,
“Hurriyat” мухбири.

Амалиёт — журналистни шакллантиради

Ўзбекистон Давлат ҳақон тиллари университетининг халқаро журналистика факультетида “Талабалар маънавий амалиёти самардорлигини ошириш масалалари” мавзусида илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.

Унда бир неча таҳририят бош муҳаррирлари, журналистлар, факультет домдалари ва талабалар иштирок этишди. Тадбирда сўзга чиққан “Ўзбекистон овози”, “Инсон ва қонун”, “Қишлоқ ҳаёти”, “Туркистон” ва бошқа газеталарнинг бош муҳаррирлари журналист кадрлар тайёрлашда малакавий амалиётнинг ўрни ва аҳамияти, талабалар амалиётини ташкил этишда қандай ишлар қилиш лозимлиги ва талабалар амалиётини таҳририятларда ташкил этиш масалалари тўғрисида ўз фикр ва тақлифларини билдиришди.

Тадбир сўнгида факультет талабаларининг ёш амалиётини ўташ давомида ОАВнинг барча йўналишларида эълон қилинган материалларни баҳолаш ва рағбатлантириш мақсадида ташкил этилган танловнинг “Телевидениеда эълон қилинган энг яхши материал”, “Радиода эълон қилинган энг яхши материал”, “Босма нашрда эълон қилинган энг яхши материал” ва “Интернет нашрда эълон қилинган энг яхши материал” ҳамда “Магистрининг энг яхши илмий-оммабоп мақоласи” номини буйича голиблигини тақдирлаш маросими бўлди.

Саҳоба МУЛЛАЕВА,
ЎзДЖТУ талабаси.

ХУРРИЯТ ВА ОЗОДЛИК ТИМСОЛИ

(Бошланғичи 1-бетда.)

Давлатимиз байроғи Ўзбекистон Республикаси расмий делегацияларининг хорижий мамлакатларга сафарлари чоғида, халқаро ташкилотларда, конференцияларда, жаҳоний кўргазмаларда, спорт мусобақаларида Ўзбекистоннинг тимсоли сифатида ҳилпираб туради.

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида Ўзбекистоннинг халқаро миқёсдаги обрў-эътибори, салоҳияти, хорижий давлатлар билан изчил ҳамкорлиги тобора ривожланмоқда. Зеро, Ўзбекистон ташқи сиёсати тинчлик, ҳамкорлик ва ўзаро тенглик тамойилига асосланган. Президентимизнинг хорижий мамлакатларга ташрифлари давомида ўша юрт кўчалари бўйлаб байроғимиз ҳилпирайдди. Мамлакатимиз вакиллари қатнашаётган халқаро аҳамиятга молик тадбирлар, саммитлар, анжуманлар, спорт мусобақаларида байроғимиз баланд кўтарилади. Буларнинг барчаси Ватанимиз шайни, халқимиз гурур ва ифтихорининг ёрқин ифодасидир.

Бугун Бирлашган Миллатлар Ташкилоти биноси олдида, давлатимизнинг хорижий мамлакатлардаги дипломатия, савдо ваколатхоналари ва консуллик муассасалари бинолари олдида ҳилпираб турган, миллий ҳаво кемаларимизга тасвири туширилган Ўзбекистон байроғи барчамизда фахр-ифтихор, шукро-

налик ҳиссини уйғотади.

Давлатимиз байроғида акс этган ҳар бир ранг, белги юртимизнинг бой тарихи, миллий давлатчилигимиз, бебаҳо қадриятларимизни, Ватанимизнинг буюк келажagini ифода этади.

Байроғимиздаги мовий ранг му-

римизда жўшиб оқаётган аждодлар қони — ҳаётий қудрат ва бардавомлик нишонасидир.

Байроқдаги ҳиллол ва ўн икки юлдуз чуқур маъно-мазмунга эга. Зотан, янги ой, кексаларимиз ният қилганидек, юртимиздаги тинчлик, хотиржамлик ва фаровонлик барқарорлигининг ифодасидир. Юлдузлар эса бегубор само, ўн икки ой, ўн икки бурж белгисидир.

Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғини ўрнатиш, унинг мамлакатимиз фуқаролари, шунингдек, Ўзбекистонда яшайдиган бошқа шахслар томонидан ҳурмат қилиниши қонунга асосан муҳофаза қилинади.

Бугун жаҳоннинг юксак минбарларида, дунё саҳнасида қўлида сарбаланд бўлган юртимиз байроғи ҳар биримизга юксак гурур, фахр-ифтихор бағишлайди. Ана шундай лаҳзаларда қалбларимизда шу байроққа, унинг тимсолида она Ватанимизга бўлган чеқсиз ҳурмат, чуқур дахлдорлик ҳисси жўш уради.

Дунёда миллат ва элатлар, халқлар ва давлатлар кўп, лекин Ўзбекистон битта. Унинг байроғи ҳам ягона. Ана шу байроқ остида давлатимиз раҳбари раҳнамолигида халқимиз учун ҳеч кимдан кам бўлмаган ҳаёт барпо этиш йўлида, эзгу мақсадлар сари олға бораверамиз.

Хусниддин БЕРДИЕВ,
ЎзА шарҳловчиси


Биз бахтли фарзандлармиз

(Бошланғичи 1-бетда.)

Вилоят мусобақаларидаги иштирокимни кузатган Республика синхрон сузиш спорти мураббийлари менга ишонч билдириб, 2006 йили Таиланда ўтказилган халқаро мусобақага олиб бордилар. Эндигина 11 ёшга қадам қўйган қиз учун бу катта шараф эди. Гуруҳимиз билан мусобақада фахрли 2-ўрин эгалладик. 2007 йили Исроилда ўтган Осиё давлатлари ўсмирлари халқаро мусобақаларида энг ёш иштирокчи сифатида қатнашдим ва 3 даражали диплом ҳамда медаль билан тақдирландим. 2008 йилда Тошкентда бўлиб ўтган «Сув париси» халқаро мусобақасида ҳам юртимиз шайини муносиб ҳимоя қилиб, совриндорлар қаторидан ўрин олдим. Албатта, ҳали катта спорт оstonасида турганим, бу борада кўп меҳнат қилишим кераклигини яхши биламан. Мақсад сари интилиб, Ватаним байроғини янада юксакларга кўтариш — менинг орзуимдир. Бу йўлда қимматли фурсатлардан самарали фойдаланиб, бор имкониятларни ишга солишга ҳаракат қиламан.

Биз мустақиллик даври фарзандлари бахт учун туғилганмиз. Ватанимиз тинч, осмонимиз мусаффо. Ҳар сония Президентимизнинг қўллаб-қувватлашларини сезиб яшапмиз. Ойртбошимиз биз ёшларга барча шартшароитларни яратиб бермоқда. Шу боис, юртимиз байроғини, жаҳонро кўтариб, бизни ўз фарзандим дея билган Ойртбошимизнинг ишончини қозониш менинг ҳам олий орзуимдир. Меҳрибон ота-онам, азиз устозларим ўғитларига қулоқ тутиб, Ўзбекистон каби бетакрор юртга муносиб фарзанд бўлиш эса эзгу мақсадим.

Гулҳат ЛУТФУЛЛАЕВА,
Марғилон шаҳридаги
32-умумтаълим мактаби 9-синф
ўқувчиси,
синхрон сузиш бўйича республика ва
халқаро мусобақалар совриндори.



ЖАРАЁН

ҲАВАСНИ КЕЛТИРАДИГАН УЙЛАР

(Бошланчи 1-бетда.)

Биз энди бундан-да гўзал, кўркем уйларида яшашимиз керак. Кўчалар тўғри, йўллар раво бўлсин.

Шундай ташаббуснинг бошида Юртбошимизнинг ўзлари бош-қош. 2009 йил «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» деб эълон қилинди. Йил дастурда уй-жойларни замонавий қилиб қуриш режалари белгиланди. Натижада мамлакатимизда амалга оширилаётган ишчи ислохотлар туфайли шу йилдан бошлаб бош режа ва намунавий лойиҳалар асосида пухта экспертизадан ўтказилган, ҳар бир ҳудуднинг табиий иқлим шароити ва рельефини, қишлоқларимиз ривожланишининг ижтимоий-демографик жиҳатларини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган уй-жой, посёлка ва ижтимоий аҳамиятга эга объектлар қурилишига киришилди. Шу жиҳатдан лойиҳачилар минтақаларнинг географик, геологик ва иқлим хусусиятларини чуқур ўрганган ҳолда ишланмалар яратдилар. Мухими, бу эзгу ҳаракатларда энг аввало инсон манфаатлари, унинг ҳақ-хуқуқлари ифода этилган.

Биргина Самарқанд вилояти мисолида кўрайдиган бўлсак, 2009-2010 йилларда бош режа ва намунавий лойиҳалар асосида 740 дан зиёд турар жой бинолари қурилиши учун дастлабки амалий ишлар бошлаб юборилди. Жумладан, Пахтачи ва Жомбой туманларида айна пайтда 60 та намунавий лойиҳалар асосида янги уйлар барпо этилмоқда.

Вилоят архитектура ва қурилиш бошқармаси бошлиғи ўринбосари Шерзод Тўрақулловнинг айтишича, бу намунавий лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва қуришда вилоятимизнинг ўзига хос хусусиятларига, меъморий анъаналарига эътибор қаратилган. Уй-жойлар демографик хусусият, иқлим

шароитидан келиб чиққан ҳолда лойиҳалаштирилган. Масалан, пойдевор масаласи. Унда зах, шўрланиш жараёни ҳисобга олинган. Ишлатиладиган ҳар бир қурилиш ашёси таркиби, сифати, чидамлилиги ўрганилган.

Қишлоқларда намунавий лойиҳалар асосида қуриладиган уй-жойлар ҳақида гапирар эканмиз, шу йилнинг 7-14 сентябрь кунлари Тошкентда ҳамда барча вилоятлар қатори Самарқандда ташкил этилган қишлоқ аҳолиси учун яққа тартибдаги уй-жойларнинг лойиҳалари ва қурилиш материалларининг ихтисослаштирилган кўргазмасини алоҳида таъкидлаш ўринли. Чунки

қурилиш банк-и бундай кенг шароитга эга уй қуришини хоҳлаганларга 15 йил муддатга 7 фоизлик имтиёзли шарт билан энг кам ойлик иш ҳақининг 1000 баробари миқдорига кредит ажратади. Банк қошида ташкил этилган «Қишлоқ қурилиш инвест» ихтисослаштирилган шўба инжиниринг компаниясининг минтақавий филиали уй-жойларни тайёр ҳолда, «калти билан» топширади. Демак, эндиликда одамлар уй-жой қураман деб елиб-югуриб юрмайди. Балки оилавий шароитидан келиб чиқиб, банкка зарур ҳужжатларни тақдим этади, холос.

Очиги, ўзимиз ҳам юқори савияда ташкил этилган

қиёфасини кўз олдимга келтираймиз, — дейди пайдарпайлик 70 ёшли отахон Жаббор Эрнарзоров. — Шу пайтгача бундай уйларида яшаш етти ухлаб тушимизга ҳам кирмаганди. Мухандислик тизими, ободонлаштирилган майдонларини айтмайсизми? Айниқса, бу уйлarning пишиқ гишт ва нириг қурилиш материалларидан бунёд бўлиши иморатнинг ўз эгасига узоқ вақт хизмат қилади.

— Жорий йилда бош лойиҳалар асосида вилоятимизнинг учта туманида намунавий посёлкалар бунёд этилмоқда. Шулардан бири — Зиёвуддин кўрғониди уй-жойларни бизнинг



роит ҳисобга олинган. Шундай бўлса, яъни унинг лойиҳаси замонавий бўлгандан кейин қурувчи ҳам шунга яраша ҳаракат қилади. Айни кунларда мазкур посёлкани бунёд этишда эллика яқин техника, 250 нафардан зиёд қурувчиларимиз меҳнат қилишаётир. Бу уй-жойларни жорий йил охиригача қуриб фойдаланишга топширишни режалаштирганмиз.

— Бу кўргазманинг ташкил этилгани биз каби тоғлиқ қишлоқ вакиллари учун айна муддао бўлди, — дейди Кўшработ туманидаги «Урганчи» қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Бекмуҳаммад Мамарасулов. — Чунки 12 минг нафар аҳоли истикомат қиладиган фуқаролар йиғинимиз ҳудудидида қишлоқ асосан тоғ тошларидан иморат қуришарди. Аммо бу уйлар ақсарият ҳолатларда яшаш учун зарур қулайликларга эга бўлмади. Бугун кўргазмада «Қишлоқ қурилиш лойиҳа» институти томонидан таклиф этилаётган лойиҳалар билан танишиб, уларда бизнинг худудимизга ҳам мос бўлган уй-жойлар намунаси борлигини кўрдим. Жумладан, бундай ҳар томонлама мустаҳкам қуриладиган уйларида табиий иқлим шароити, кўёш чиқishi-ю боғиши, аёзли қунар, жазирама иссиқ ва ҳалло элзилма ҳам ҳисобга олинган.

— Қурилаётган бу уйларда қишлоқ аҳолиси учун бар-

ча қулайликлар инobatга олинган, — деди Тайлоқ туманидаги «Найман-1» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Моҳира Дониёрова. — Бу лойиҳалар аввало, хонадонларимиз бекасиз бўлган аёллар учун қишлоқ жойларда энг замонавий шароитларни, шаҳарлардаги каби барча қулайликларни яратишга қаратилган билан ҳам эътиборли. Ахир унинг ичиде иссиқ ва совуқ сува, шохона, ҳаммом ва бошқа зарур хоналар бор. Энг муҳими, бу уйлар лойиҳаларида фарзандларнинг баркамол тарбия топшиши учун алоҳида дарсонналар, болаларнинг ўз хоналарига эътибор қаратилган. Илгари ўзимиз меҳмонхоналарни катта қилиб қураддик. Ваҳоланки, уч-тўрт ойда бир меҳмон келиб, бу уйларга кирилдик, холос.

Ҳа, бугун мамлакатимизда мана шундай кўркем, кенг шароитли, таъбир жоиз бўлса, отасининг уйини ўғли бузмайдиган уй-жойлар қурилмоқда. Бунинг учун бизда имконият ҳам, эҳтиёж ҳам, қурувчи-мутахассислардан тортиб, қурилиш ашёларига етарли. Насиб этса, қишлоқларимиз кўриниши режа асосида ўзгариб боради ва шаҳардан қолшмайдиган масканга айланади.

Фармон ТОШЕВ

Тахририятга хатлар

ДОСТОНЛАР ТАРБИЯ ВОСИТАСИ

Маданият миллиятни таъинлади. Айниқса, унинг ёш авлод тарбиясидаги таъсири беқиёс. Масалан, Алпомиш достонини олайлик. Бу умрбоқий асардаги саҳийлик ва бахиллик ҳақидаги муҳокама, достон замирига синдириб юборилган ибратли воқеалар бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотган эмас. Бир ўринда Бойбўри ўғлидан киши нимадан бахил бўлади, нимадан саҳий бўлади, деб сўраганда, Алпомиш: «Вақти бевақт бировниқига меҳмон келса, отини ушлаб, кўнглини хушлаб жўнатса, бул саҳий, агар жойи бор туриб, жой йўқ деб жўнатса, бул одам бахил», дейди. Бу жумлаларда меҳмондўстлик, инсоннинг инсонга меҳмуруватли бўлиши улуғланган. Эсингизда бўлса, Алпомиш достонининг қулминашон нуқтаси ҳам айнан шу мавзу билан боғлиқ. Бойбўри ўғли Ҳакимбекдан саҳий одам доимо закот бериб туриши лозимлигини эшитиб, ўз укасининг номи энда қора бўлмаслигини истганин учун унга элчи жўнатади. Аммо Бойсарни бу масалани тушунмай, унда халфа бўлиб, ўзга юртларга бош олиб кетди.

Албатта, достоннинг кейинги ўринларида ҳам саҳийлик ва бахиллик ҳақида сўз юритилган. Жумладан, бир кун Алпомиш китоб ўқиб ўтириганида, отасига қабристон ёнидан ўтиб кетаётган одам узангидан чап оёғини чиқариб, марҳумлар ҳақида дуо қилмаса, у бахил, дуо қилса, саҳий эканини айтди. Бир сўз билан айтганда, «Алпомиш» достони аж-долларимизнинг ўй-фикрлари, тажрибаларидан тўғри хулоса чиқариб, келажак сари мустаҳкам қадам ташлашга ундовчи халқ эпосидир.

Шаҳноза РАҲИМХУҲАЕВА
Тошкент шаҳри.

ЛИЦЕЙИМ — ФАХРИМ

Юртимизда ёш авлоднинг етук, баркамол ва қомил инсон, айна пайтда малакали кадр бўлиб етиштириши учун кўпқабатли кўркем коллежлар, академик лицейлар бунёд этилди. Хусусан, жорий ўқув йилида Фарғона вилояти, Риштон туманида ҳам замонавий ўқув анжумани билан жиҳозланган академик лицей қуриб битказилди. Ҳозирда мазкур таълим даргоҳида 270 нафар ўқувчи ёшлар пухта билим олишмоқда. Бундан жуда мамнунмиз. Юртбошимизнинг биз ёшларга шундай шарт-шароитларни муҳайё қилиб, замон талабига мос ўқув жиҳозлари билан таъминлаб, юксак ишонч билдираётганидан бошимиз кўкка етмоқда. Эндиликда биз ёшлар ҳам шунга мос равишда илм олиб, изланиб, етук мутахассис бўлиб етишишга ҳаракат қилаёلمиз. Бу ишда бизга кўплаб фидойи устозларимиз яқиндан кўмак беришмоқда. Шу боисдан бу ерда таҳсил олаётган ёшларнинг барчаси «Лицейим — фаҳрим» деган шioriни қалбларига жо қилишган, десам янглишмайман.

Чарос НИЗОМИДДИНОВА
Риштон тумани.

ФИКРЛАР ҚАЙМОҒИ

Рус ёзувчиси Лев Толстойнинг «Ҳар бир мақолда мен шу мақолни яратган халқ сиймосини кўраман», дегани бежиз эмас. Зеро, «Етти ўлчаб бир кес», «Сабрнинг таги сариқ олтин», «Шошпан қиз эрга ёлчмас» каби замирида теран маъноларни яширган мақолларини «Фикрлар қаймоғи» десак янглишмаймиз. Улар азалаздан ўзининг ихчамлиги, тўла қониялиги, ҳаётининг билан кишилар нуктини бевайди, энг асосийси эса, тарбиявий аҳамияти, инсон онтини бойитиши билан самараландир.

Биргина ўзбек халқ мақоллари икки жиғда нашр этилган бўлиб, у ўзида 13 мингта яқин мақолни жамлаган. Ҳали оғиздан оғизга ўтиб юрган мақоллар қанча. Ўзбек халқ мақолларида Ватанга муҳаббат ва садоқат, ботирлик ва саҳийлик, алолат, иссоф, оташин севиғ, вафодорлик, меҳнатсеварлик, дўстлик ва доловик улугланади. Юсуф хос Ҳожиб, Аҳмад Яссавий, Алишер Навоий, Бобур, Оғаҳий, Нодира, Муқимий, Фиррат, Ойбек, Абдулла Қаҳҳор ва бошқа ўнлаб ижодкорларнинг асарлари қанча ҳам мақоллар сўз заргарлари томонидан моҳирона синдириб юборилган. Бу адибларнинг асарлари шунинг учун ҳам боқий, ҳеч қачон ўз қадрини йўқотмайди.

Яна бир нарсани алоҳида таъкидлаш лозим. Айрим мақоллардаги баъзи тарихий сўзлар бошқача маънони ҳам аниқлаштириш мумкин. Масалан, туз сўзини олайлик, бу сўз қадимда тўғри, одобли, дала, текислик маъноларини аниқлатган. Масалан, «Қиз сақласанг, туз сақла», «Туздаги билан эмас, уйдаги билан бўл» қабили.

Қамола МИРАМНОВА,
УЗМУ журналистика
факультети талабаси.

ҚАРОР ВА ИЖРО

ТАДБИРКОРЛИК ИҚТИСОДИЁТ ТАЯНЧИ

Мамлакатимиз мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ иқтисодийнинг гоят муҳим ўналиши ҳисобланган кичик бизнесни ривожлантиришни рағбатлантиришга, ҳукусий тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқларининг кафолатлари ва ҳимоясининг қучли тизимини яратишга жуда катта эътибор бериб келинмоқда. Мазкур соҳанинг янада ривожланишини таъминлаш, мамлакат иқтисодийнинг барқарор фаолият юритишида унинг ролини ошириш мақсабиде Президентимизнинг 2009 йил 15 майда «Тадбиркорлик фаолиятини янада кўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» эи қарори қабул қилинди. Унда тадбиркорлик субъектлари учун бир қатор муҳим қўшимча имтиёз ва преференциялар жорий этилиши назарда тутилган.

Бундан ташқари, қарорда қасаначиликни ривожлантириш учун қулай шарт-шароитларни яратиш аҳоли бандлигини таъминлашнинг муҳим устувор йўналиши ҳисобланиб, ушбу масалани ҳал этишда кичик бизнес субъектларининг иштирокини кенгайтириш мақсабиде уларга ўз уйларида ишлаётган қасаначилар билан қонун ҳужжатларида белгиланган ходимлар сонининг чекланган нормативидан кўпи билан 30 фозгача ошган миқдорда меҳнат шартномаларини тузиш ҳуқуқи берилди. Айни вақтда кичик қорхоналар учун назарда тутилган кафолатлар, имтиёзлар ва преференциялар сақлаб қолинди. Ушбу қарор билан Адлия вазирлиги ва унинг органлари билан шугулланаётган юридик ва ҳисмоний шахсларни давлат рўйхатидан ўтказиш учун тўланадиган бож миқдори ҳам пасайтирилди. Банкларда ҳисоб рақамларини очиш тўловлари камайтирилиб, энг кам ойлик иш ҳақининг бир баробаридан 0,5 баробарига, қишлоқ жойларда эса 0,1 баробарига туширилди.

Қамолддин ОРИПОВ,
Наманган вилоят адлия
бошқармаси
бўлим бошлиғи.

Одам савдоси — иллат

Одатда одам савдоси билан шуғулланувчилар жамиятда ўз ўрнига эга бўлмаган кишиларни танлайди. Янада ачинарлиси, болалар савдоси ҳам авж олмоқда. БМТ хабарига кўра, бугун дунёда сотилаётганларнинг 50 фозини воғга етмаганлар ташкил этади. Чет элга сотилаётган эракларни мажбурий меҳнатга, аёлларни фойдаланиш билан шуғулланишга мажмури этиштирилган. Масалан, Халқаро Меҳнат Ташкилоти маълумотларига кўра, жаҳонда мажбурий меҳнат ва шахвоний қулликка 12,3 миллион одам жалб қилинган.

ЮНИСЕФ маълумотига кўра, бугун дунёда ҳозирги пайтда 30 дан ортиқ қуролли зиддиятларда 18 ёшгача бўлган 300 миңдан ортиқ болалардан фойдаланилмоқда. Уларнинг аксарияти 15 дан 18 гача, баъзан 7 ёки 8 ёшлиларини ҳам учратиш мумкин. Бу муаммо Африка, Осиё ва Яқин Шарқда анчайин таъшишларни тус олган. Тўғри, бу иллатга қарши биргаликда курашиш керак. Қурашилапти ҳам. Бироқ шу ўринда яна бир ҳолатни назардан қочирмаслик керак. Маълумки, одам савдоси қурбонларининг овоз бўлганларидан кейин ҳаётларини ўз йўлига қўйиб яшашлари анча қийин ҳолат ҳисобланади. Чунки уларда руҳий тушкунлик, жисмонан етказилган тазйиқлар олдинги ҳаётларига қайтишларига тўсиқ бўлади. Улар энг аввало, яқинларининг қўллаб-қувватлашини, жоматчиликнинг ўзларига нисбатан қамситмасдан яхши муносабатда бўлишини хоҳлайдилар. Таъкидлаш жоизки, бу борада ҳам юртимизда ҳукумати-миз бошчилигида самарали ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 5 ноябрдаги 240-сон қарори билан Одам савдоси жабрдийдаларига ёрдам бериш ва уларни ҳимоя қилиш бўйича Республика реабилитация маркази ташкил этилди ва у 2009 йилдан бошлаб фаолият юрита бош-

ҲА-ЁТ

Оилали жамиятнинг кичик бўғинига ўхшатилади. Демак-ки, давлатнинг ҳам, жамиятнинг ҳам мустақамлиги, жиқслиги аввало оилалардаги тинч-тотувликка, осудалик ва фаровонликка боғлиқ. Аммо сўнги йилларда авж олаётган одам савдоси бутун дунёда одамларнинг тинч-тотув ҳаётига раҳна солишга уринмоқда.



ОДАМ САВДОСИГА ҚАРШИ КУРАШНИНГ БУВИЧА
РЕСПУБЛИКА ИДОРАЛАРО ҚОМИССИЯСИ

ТЎРТТИНЧИ ХОКИМИЯТ

СЎРОВ

МАТБУОТИМИЗ РАВНАҚИ: КИМ ҚАНДАЙ ФИКРДА?



1. Матбуотимизни янада ривожлантириш уфқини қайси ўлчамларда кўрасиз?
2. Матбуотда танқид қандай бўлиши керак деб ўйлайсиз?
3. Иш фаолиятингиздан қониқасизми?

Виктор ПРУТЯН,
“Хоразм ҳақиқати” ва
“Хорезмская правда” га-
зеталари бош муҳаррири:



1. Матбуотимиз мустақиллик йилларида ривожланиб, миллийлик касб этди. Истиқлолнинг ўтган даврида миллий кадрларимизни қарор топдиришда ва фуқароларимиз маънавиятини бойитишда нашрларнинг роли ва ўрни ортди, деб ўйлайман. Негаки, шўро тўзуми даврида юртимизда 5-10 номда газеталар чиққан бўлса, бугун матбуот нашрларининг сони кўпайтириш, ҳар хил йўналишдаги газета-журналларни жорий этишнинг қонуний асослари ишлаб чиқилди. Жумладан, айна пайтда биргина Хоразм вилоятида 27 номда газеталар нашр қилинмоқда. Энг муҳими, мамлакатимизда бу соҳани янада ривожлантиришнинг қонуний асослари мавжуд. Ўзбекистон Республикасининг “Оммавий ахборот воситалари тўғрисида”ги, “Ахборот олиш кафолатлари ва эркинликларни тўғрисида”ги “Журналистик фаолиятни ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунилари фикримнинг далилидир.

Бугун республикаимизда ҳар бир газета тахририятида ходимларнинг унумли ва тезкор фаолият юритиши учун барча шароитлар етарли. Эндиликда ҳаммаси журналист ва тахририятларга боғлиқ. Яъни қундалик иш услуби яхши ташкил қилинса, журналистнинг билим, тажриба, маҳорати ошиб борса, муштарига манзур бўладиган материаллар тайёрлаши мумкин. Шунга эришиш учун тахририят, унинг

ниҳоятда катта аҳамиятга эга. Лекин кейинги пайтда журналистика факультетларини тамомлаган ёшлар вилоят, туман нашрларида ишлаш учун кам қилишяпти. Шу сабабли талабаларнинг амалиёт даврини вилоят, шаҳар, туман газеталарида ўтирилиши ҳам ташкил қилиш керак, деб ўйлайман.

2. Истиқлол йилларида ижтимоий-иқтисодий соҳаларда улкан бунёдкорлик, яратувчанлик ишлари амалга оширилиб, ислохотлар изчил давом эттирилмоқда.

Ҳоҳида айрим соҳаларда муаммо, камчиликлар ҳам учраши мумкин. Бу, аввало, бирор қорхона, ташкилотда ишларнинг етарлича ташкил қилинмаслиги, мавжуд қонун-қоидаларга риоя қилмаслигидан пайдо бўлади. Аммо танқидий руҳдаги мақолаларни чуқур таҳлил ва ниҳоятда холислик асосида тайёрлаш лозим.

Шак-шубҳасиз журналист воқеаларни тўғри кўрсатиши, камчилик, нуқсонларнинг бартаф қилинишига ёрдам кўрсата билиши керак. Демократик, асосий мақсад бир масалани танқид қилишдангина бўлмаслиги керак. Гап ана шу муаммони ёки камчиликни қандай бартараф этиш керак, нималарга эътибор қаратилса, муаммо ижобий ечимини топади. Ана шу жиҳатларга кўпроқ аҳамият берилса, мақсадга молик бўларди.

Ҳаммамиз биламизки, муҳтарам Президентимиз бошчилигида йилдан-йилга ҳаётимиз ривожланиб, одамларимиз турмуш тарзи яхшиланган бўлмоқда. Жамиятимиздаги қайси бир соҳани олманг, айтайлик таълим тарбия масаласи бўладими, тиббиётми ёки қишлоқ турмуш тарзи, қурилиш-бунёдкорликларга эътибор қаратамизми, бир-биридан гўзал, мустаҳкам чиройли йўللар, хусусан темир йўллари, уй-жойлар — бу со-

ҳалардаги ўзгаришлар, хайрли ишлар ўз-ўзидан рўёбга чиқаётгани йўқ-ку! Ҳақиқий журналист биринчи навбатда ана шу улкан ишларни, юртимизнинг ёруғ келажаги учун қилинаётган бу нурли амалларни қаламга олмоғи лозим.

3. Салкам қирқ йил бўлдики, матбуот соҳасида, вилоят газеталарида меҳнат қилиб келмоқдаман. Бу менинг иш фаолиятимдан маълум даражада қониқётганимдан, касбимни севишимдан бўлса керак. Касбимни, жамоамни, ҳамкасбларимни ҳурмат қиламан, қадрлайман. Улар менинг энг яқин дўстларим, маслаҳатдошларим, мададорларим. Ҳозирги кунда “Хоразм ҳақиқати” ва “Хорезмская правда” газеталари билан биргача тахририятда ўттизга яқин ходим ишлайди. Ўзбек ва рус тилларида чоп қилинаётган газеталаримизни вилоятимизнинг ҳамма жойида ўқишади, ўз муштарийлари бор. Жамоамиз аъзолари аҳил, ижодий изланиб, доимо ўз устида ишлайдилар, билмаганини ўрганишга ҳаракат қилишади. Асосий мақсад эса юқоридики айтганимдек, юртимиз ижтимоий-иқтисодий жаҳаларидаги яратувчанликни, бунёдкорликларни, ўзгаришларни, фидойи замондошларимизнинг ибратли ишларини тезкор ёритишдир.

Мен ана бир масалага тўхталмоқчиман. Матбуотимиз ривожига, кадрлар билими, маънавиятини яхшилашда Ўзбекистон босма оммавий ахборот воситаларини кўлаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонднинг ёрдами алоҳида бўлмоқда. Улар тахририятларнинг моддий-техника базаси мустаҳкамлашига амалий кўмак бермоқда. Шунингдек, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси томонидан семинарлар, анжуманлар, давра суҳбатлари ташкил қилинаётгани ҳам фойдали бўлаётди.

ТАДБИР

ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТ РИВОЖИ

Унда Адлия вазирлиги масъул ходимлари, шаҳардаги барча нотариат идоралари, ФХДЭ органлари ходимлари, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, ҳуқуқий муҳофаза қилувчи идораларнинг вакиллари ва оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирокида бошқарма томонидан амалга оширилган ишлар атрофида муҳофаза этилди.

Тадбирда таъкидланганидек, Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси томонидан фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишга оид 505 та шикоят кўриб чиқилиб, соҳада йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш учун тегишли ташкилот ва муассасаларга 51 та тақдирнома киритилди. Қолаверса, давлат бошқарув органлари, ташкилот ва муассасаларнинг 9 та қарорининг ижроси бекор қилиниб, 309 нафар айбдор шахс интизомий жавобгарликка тортилди.

Анжуманда, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, уларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш юзасидан ҳам Адлия идораси томонидан олиб борилган ишлар ҳақида батафсил маълумотлар айтилди. Шунингдек, аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш ва тиббий маданиятини оширишда самарадорликни янада ошириш юзасидан ФХДЭ органларига камчиликларни бартараф этишга қаратилган кўрсатма ва тавсиялар берилди. Бундан ташқари, Тошкент шаҳрида фаолият кўрсатаётган нотариуслар ҳамда адвокатларнинг ОАВ билан ҳамкорлиги етарлича йўлга қўйилмаганини эътиборга олинди ва келажақда мазкур масалага янада ижобийроқ ёндашиш ҳақида сўз юритилди.

Тадбир сўнггида эса мана шундан анжуманларнинг навбатдагиси Наманган ва Самарқанд вилоятларида ўтказилишига келишиб олинди.

Азим РЎЗИЕВ,
“Hurriyat” муҳбири.

МУНОСАБАТ

“Аввали”нинг аҳамияти беқиёс

Мозий деб аталмиш сирли китобнинг қатларига яшринган синоатлардан, воқеа-ҳодисалардан воқиф бўлиш, ҳар бир тарих ихлосмандига ҳузур бағишлайди. Хусусан, ўтган аср бошларида чоп этилиб турган матбуот нашрларида эълон қилинган мақолалар билан танишиш ҳам. Аммо вилоятларда яшовчи биз каби ўқитувчилар учун бундан 80-100 йил аввал нашр қилинган газета ва журналлардан фойдаланишнинг, уларда эълон қилинган материаллардан баҳраманд бўлишнинг имкони йўқ. Шу боисдан ҳам “Hurriyat” газетасининг “Аввали” руқнида берилган материаллар бизга жуда манзур бўлаяпти, десам янглишмайман. Ҳатто улардан дарс ўтиш жараёнда унумли фойдаланиб, ўқувчиларнинг ватанпарварлик туйғуларини ўстиришга ҳаракат қилаёلمиз. Сабаби бу нодир манбалар ўз даврининг воқеа-ҳодисалари, одамларининг ўй-қарашлари, матбуотнинг аҳоли, савияси ҳамда она тилимизнинг тараққиёт босқичлари ҳақида муҳим маълумотлар беради.

Фурсатдан фойдаланиб, сарғайиб кетган, аммо аллақачон маънавиятимизнинг олтин хазинасидан жой олган турли газета саҳифаларидаги айрим мақолаларни, хабарларни қайта нашр қилишда хизмати сангаётган олимларимизга ҳамкасбларим номидан миннатдорчилик билдираман. Бу хайли иш бундан кейин ҳам юқори савияда давом эттирилаверади, деб умид билдириб қоламан.

Турсунали ЮСУПОВ,
Риштон туманидаги
33-мактабнинг
тарих фани ўқитувчиси.

АВВАЛИ

САЙЛ

Ушбу 23 ва 24 нчи ва 25 нчи апрелда йаъни жума ва шанба ва якшанба кунлари Тошканд шаҳридаги тамошабоғда ҳайриятликнинг айтириб берган сайр томошада икки алад машҳур бўлган ўрус курашчилар бўладур. Бул курашчилар франсузлик ва швитсарлик ва ҳам сартия тарихисини кураш қилмоқда. Агар сартия шаҳавонлари мазкур икки ўрус курашчилари билан кураш қилмоқни хоҳлаган бўлсалар Соборний кўчадаги Кравози номлик дорухонага боруб ўз исмларини ёзсалар керак.

*“Туркистон вилоятининг газети”,
23 апрел 1904 йил.*

Нашрга тайёрловчи Аъзам УМАР

Қишлоқлар фаровонлиги йўлида

Маълумки, мустақилликнинг дастлабки кунларидан бошлаб, республикамизда қишлоқ инфратузилмасини ривожлантириш, қишлоқлар маданиятини янги поғонага кўтариш ҳамда қишлоқ аҳолининг турмуш даражасини юксалтиришга қаратилган кенг қамровли ва узоқ муддатта режалаштирилган давлат сиёсати амалга оширилмоқда.

Хусусан, фермерлик ҳаракатини қўллаб-қувватлаш, уларга эркин фаолият юритишлари учун кенг йўл очиб бериш, бу борада янги имтиёз ва имкониятларни яратиш, мулкдорлар, тадбиркорлар ва ишбилармонларнинг манфаатларини ҳимоялашга катта аҳамият берилб келинмоқда. Утган йиллар давомида қишлоқларимизда тобора авж олиб бораётган ижобий ўзгаришларни қўллаб-қувватлашга қаратилган ҳуқуқий база яратилди. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси, “Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида”ги, “Деҳқон хўжалиги тўғрисида”ги, “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги қонуनларнинг ва бошқа бир қатор қонун ҳужжатларининг қабул қилиниши фикримизнинг яққол исботидир.

Шу йилнинг “Қишлоқ тарихий ва фаровонлиги йили” деб эълон қилиниши муносабати билан Юртбошимизнинг 2009 йил 26 январдаги қарори билан “Қишлоқ тарихий ва фаровонлиги йили” Давлат таъдирлиги йили, қишлоқларни янада ободонлаштириш йўлида қўллаб-қувватлашга Жорий йилда мазкур Дастур доирасида жами 30 га яқин норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари ишлаб чи-

қилиши, қабул қилиниши режалаштирилган. Жумладан, дастурда қишлоқ аҳли манфаатларига дахлдор, қишлоқдаги инфратузилмани янада ривожлантиришга йўналтирилган “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги, “Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида”ги қонунларни бугунги кун талаблари нуктаи назаридан қайта кўриб чиқиб, унга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қонулар лойиҳаларининг қабул қилиниши ҳамда “Қишлоқ ва сув хўжалигида иқтисодий ислохотларнинг чуқурлаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни лойиҳасини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш назарда тутилган.

Аграр соҳада сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, суғориладиган ерларнинг мелiorатив ҳолатини яхшилаш ва унумдорлигини доимий равишда ошириш, сувни тежаш технологияларини татбиқ этишни назарда тутувчи бошқа қонун ҳужжатларини пухта ишлаб чиқиш бу йилги ҳуқуқ ижодкорлигида олдимизга қўйган муҳим вазифалардан биридир.

Амалга оширилаётган ҳамкорликдаги саъй-ҳаракатлар натижасида ҳозирги кунга келиб Давлат дастурининг бир қатор бандлари бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг лойиҳалари ишлаб чиқилиб, уларнинг Адлия вазирлиги томонидан ҳуқуқий экспертизадан ўтказилиши таъминланди.

Дастурнинг устувор мақсадларидан бири қишлоқлар қиёфасини сифат жиҳатдан яхшилаш, қишлоқлардаги турар жой ва ижтимоий соҳа объектларини намунавий лойиҳалар бўйича барпо этилишини таъминлашдан иборат. Таъкидлаш ўринлики, қишлоқ аҳоли пунктларининг архитектуравий режалаштирилиши ташкил этиш ва қишлоқ қурилишини лойиҳалаштириш тизимини тубдан такомиллаштиришнинг ҳуқуқий базаси яратилди. Бу мақсадни амалга ошириш учун Ўзбекистон Республикасининг Президентининг жорий йилда қабул қилган “Қишлоққурилишлойиҳа” масъулияти чекланган жамият лойиҳа-қидирув институтини ташкил этиш тўғрисида”ги, “Уй-жой фондиди фойдаланишга тайёр ҳолда топшириш шартларида реконструкция қилиш ва таъмирлаш бўйича пудрат ишларини кенгайтиришни рағбатлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги, “Қишлоққурилишбанк” акциядорлик тижорат банкини ташкил этиш тўғрисида”ги, “Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши кўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 21 январдаги “2009 йилда маҳаллий аҳамиятга эга бўлган умумий фойдаланиш автомобил йўллари ва ҳужайраликларо қишлоқ автомобил йўллари таъмирлаш йўлга параметрларини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори ҳам қишлоқлар қиёфасининг замон руҳига мос

ҲАМКАСБ

Самимий, дилкаш, дўстларига меҳрибон инсон Иzzат Аҳмедов ҳақида сўз кетса, унинг журналистик фаолияти билан боғлиқ иккита воқеа ёдимга тушаверади. Биринчисини у кишининг сифдoshi ойтиб берган эди. Утган асрнинг 70-йилларида унинг илк, аммо аича шовишувга сабаб бўлган ихчамгина мақоласи маҳаллий газеталда чоп этилади. Унда ёш қаламкаш ўзи таҳсил олаётган мактабидан айрим муаммоларни ёздади.



ХОКИСОП ВА ЖОНКУЯР

Мақола газета юзини кўриши билан ноқ қишлоққа турман катталари келиб, бу ердаги шарт-шароитларни ўрганишда, мақола муаллифи — мактаб ўқувчиси Иzzат Аҳмедов билан ҳам суҳбатлашади. Шундан сўнг янги лойиҳа асосида янги мактаб биноси қурилишига киришилади, тез орада қишлоққа электр ҳам келади.

Иккинчи воқеага ўзим гувох бўлганман. 1996 йили “Халқ сўзи” газетасида Иzzат ақанинг бир мақоласи босилди. Уша йилнинг кузида журналист хизмат сафари билан бир вилоятга поездда боради. У поездда йўловчиларга хизмат кўрсатишда талай камчиликлар мавжудлиги, гигиена-санитария ҳолатларига риоя қилинмаётганини оддий йўловчи сифатида қорғозга туширади. Ҳаммаси шундан кейин бошланади. Уша пайтда Иzzат ака билан “Хабар” газетасида бирга ишлар эдик. Мақолада кўрсатилган камчиликлар тасдиқланиб, айбдорларга кес-

кин чоралар кўрилганди. Утган йиллар мобайнида И.Аҳмедов журналистиканинг турли жанрларида қалам тебратди, унинг республикамиз газетаси ва журналларида кўплаб мақолалари, суҳбат-интервьюлари чоп этилди.

Иzzат ака 1993 йили “Хабар” газетасига муҳбирлик вазифасига ишга ўтди. Жамоа билан газетачиликнинг барча машаққатларини тотиб кўрди. 13 йиллик фаолияти давомида ижодий жамоадан билмаганини ўрганди, тахририятга энди келганларга иш ўргатди. Муҳбирликдан бош муҳаррир ўринбосари даражасигача бўлган йўлни босиб ўтди.

И.Аҳмедов фаол ижодкор. У “Илохий муҳаббат”, “Буюклар муҳаббати” каби тўпламларини тайёрлаб, нашр эттирди. Бундан ташқари, таржималик билан ҳам шуғулланади. Грузин ёзувчиси Нодар Думбадзенинг “Юрагини Ҳайатма”, “Ваводор ит” ҳикояларини, инглиз ёзувчиси Агата Кристининг “Иштар

Абдуғани АБДУРАҲМОНОВ

ДУНЁДА НИМА ГАП?

ЖАМИЯТ ВА ШАХС

СОҒЛОМ ИНСОН, БАХТЛИ ОИЛА

Сихат-саломатлик, соғлом ҳаёт буюк келажак пойдеворидир. Мамлакатимиз мустақилликка эришган, аҳоли саломатлигини тиклаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш давлат аҳамияти даражасидаги масалага айланди. Ва бу энг тўғри йўл бўлиб, жамият оғриқли нуқталарининг ўз вақтида эътиборга олинганидан далолат эди. Узоқ давом этган истибод халқимизни оғир аҳволга солиб қўйган эди. Жисмоний эзиллиш, далаларга секирган захар-заққум дорилар, мейерида овқатлана олмаслик, дам олиш, соғлиқни тиклаш имкониятларининг бўлмаслиги оқибатида миллатда жисмоний ва ирсий чекиниши даври давом этарди. Бундай иллатлар ортида носоғлом туғилишлар, бевақт ўлимлар кўпайиб борарди.

Президентимиз шунинг учун ҳам мустақилликни мизнинг дастлабки йилларидаёқ халқимизнинг руҳини кўтариш, қаддини тиклашнинг долзарб вазифа деб белгилаб, баркамол авлодни воёга етказиш масаласини давлат сиёсати даражасига кўтарди. Юртбошимиз ташаббус билан 1993 йилда «Соғлом авлод учун» нодавлат халқаро хайрия жамғармаси тузилди, I ва II даражали «Соғлом авлод учун» орденлари таъсис этилди. Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан «Ёш авлодни соғломлаштириш муаммоларини кенг қамровли ҳал этишнинг кенгайтирилган дастури» қабул қилинди. 1996 йилда «Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг соғлигини сақлаш тўғрисида»ги қонун, шунингдек «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизimini ислоҳ қилиш», «Соғлом авлод», «Она ва бола» Давлат дастурлари қабул қилинди. Ана шу ҳаракатлар асосида кенг қўламдаги ишлар изчил амалга оширилади бошлади. Тошкент шаҳрида, вилоятларда она ва бола скрининг марказлари ташкил этилиб, уларнинг малакали хизмат кўрсатиши йўлга қўйилди.

Шуни қониқиб билан айтиш мумкин, ўтган қисқа даврда мамлакатимиз аҳолисининг ўртача умри 67 ёшдан 72,5 ёшга узайди. Агар биз катта авлод илгида мустабид тузум асоратларини назарга олсак, қайд этилган ўртача умр ҳам, чақалоқлар ўлими камайиши ҳам юқори натижа эканлигини, ёш авлод ҳар жиҳатдан соғломлашиб бораётганини англаймиз.

Ҳўш, биз бу маълумотларни нега келтиряпмиз, мушоҳадларни нега ўртоқлашмоқчи бўлаяпмиз? Республика-мизда аҳоли саломатлигини яхшилаш бўйича катта ишлар қилинмоқда. Давлат тиббий хизмат учун ҳеч нарсани аямаяпти. Янги-янги санаторийлар, дам олиш, даволаниш масканлари, болалар оромгоҳлари, шифохоналар, туғуруқхоналар, тез тиббий ёрдам марказлари, қишлоқ врачлик пунктлари қурилишлари кўз ўнгимизда қад ростламоқда. Муассасаларни энг замонавий тиббий техника воситалари, дори-дармонлар, мейеллар, юмшоқ жиҳозлар билан таъминлаш

мий равишда профилактика тадбирлари ўтказиб келинмоқда. Гумон қилинган 313 шахс мажбурий тиббий кўриқдан ўтказилган. 117 нафар энгил табиатли аёл фоҳишабозлик билан шуғуллангани учун тегишли тартибда жавобгарликка тортилган.

Хорижда бўлиб қайтганлардан 3 182 нафари тиббий текширувдан ўтказилганда, 11 кишида ОИВга мусбат натижа қайд этилган. Бундан қандай изоҳлаш мумкин? Ўз уйингиздан, ватанингиздан соппа-соғ чиксангиз-у, хориждан бола-чақангиз, ватандошларингиз бағрига дард билан қайтиб келсангиз?! Ахир, бу оилага, юртга хиёнат эмасми?!

Биз юқорида эслатиб ўтганимиздек, айрим кишиларнинг фуқаролик масъулиятини ҳис эта билмаслиги бор гап. Тиббий маданиятни юксалтириш ҳақида қайғурмас, унга эришмас эканмиз, жамият ривожини, буюк келажакни бунёд этиш йўлидаги ҳаракатларимиз кутилган натижани бериши қийин. Бизни яна қатор дардлар қийнайдики, уларнинг асорати СПИДдан оғирроқ туюлади. Булар — гиёҳвандлик,

Кўшни Навоий вилоятининг Хатирчи туманидан келган болалар ҳам бор. Ҳукуматимизга минг раҳмат, болажонлар учун барча шароитлар яратилган. Кийим-бош, овқатланиш, сайр-саёҳатларда бўлиш, ўқиш, тўғарак машғулотларини ўтказиш бўйича муаммо йўқ. Машғулотларимиз ўзбек ва рус тилларида олиб борилади.


Гап мамлакатимизда ёшларнинг саломатлиги йўлида амалга оширилаётган кенг қўламдаги ишлар ҳақида кетар экан, бу масалада ҳомийларнинг мурувват ёрдамлари хусусида ҳам тўхталиб ўтиш жоиз. Биргина бизнинг ёрдамчи махсус мактаб-интернатимизга ўнлаб фуқаролар озиқ-овқат, дори-дармон, кийим-кечак, ҳўжалик моллари ва бошқа турдаги эҳтиёж молларидан қарашиб туришибди. Байрамларда саховат дастурхонларини ёзиш одатга кириб қолган. Каттақўрғон шаҳар ҳокимлиги, шаҳар прокуратураси вакиллари ҳолимиздан ҳамisha хабардор. Каттақўрғон ёғ-мой акциядорлик жамияти мактабимизнинг ҳақиқий ҳомийсига айланган.

Республика «Маҳалла» жамғармаси вилоят бўлими ҳам бу борада ўз иш режасига эга. 2009-2011 йилларда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари орқали аҳолининг орасида юқумли касалликлар, ОИВ инфекцияси тарқалишининг олдини олиш профилактикаси бўйича чоратадбирлар дастури белгилаб олинган. Шунга кўра, бир қатор профилактика ишлари амалга оширилмоқда. Касалликнинг келиб чиқишига сабаб бўладиган омилларни бартараф этиш, тарқалишининг олдини олиш бўйича барча маҳаллаларда аниқ тадбирлар ўтказилмоқда. Бажарилаётган ишлар ҳар чоракда таҳлил қилиниб, якуний хулосалар чиқарилимоқда. Шахсий гигиена, юқумли касалликлар профилактикаси бўйича хонадонларга борилмоқда. Мактабларда, жамоаларда жонли мулоқотлар олиб борилапти. Хориждан қайтганлар билан алоҳида суҳбатлар, лозим топилганда тиббий таҳлиллар ўтказилмоқда. Буларнинг барчасидан кўзда тутилган мақсад битта — соғлом шахс, бахтли оила қарор топсин, баркамол фарзандлар дунёга келсин!

Дарҳақиқат, ҳаёт инсонга гаштли яшаш, яхши ном, ширин хотиралар қолдириш учун берилади. Ҳада этилган умрнинг қадрига етиш, ўзидан кейин муносиб фарзандлар қолдириш эса Яратганга ҳам хуш келиши, шўб-ҳасиз.

Фароғат ШОКИРОВА, «Маҳалла» жамғармаси Самарқанд вилоят бўлими бош мутахассиси. Уқтам ҚУРБОНОВ, журналист.

Музёра кема музга тикилди



Антарктида қирғоқларидаги музликларда Россиянинг Тинч океани денгиз флотига қарашли «Капитан Хлебников» музёра кемаси тикилиб қолди. Кема бортида 105 нафар йўловчи бор. Уларнинг 80 нафари Буюк Британия фуқароларидир.

The Observer газетасининг ёзишича, кема бортидагилардан бири сунъий йўлдош орқали уйига қўнғироқ қилиб, вазиятни тушунтирган. Кемада, шунингдек, Би-би-си телерадиоканалининг бир неча ходими ҳам бор. Улар «Музлаётган сайёра» номли ҳўжатли фильмини суратга олишган эди. Хабарда айтилишича, кема йўловчиларининг аҳволи яхши. Уларга ҳеч нарса хавф солаётгани йўқ.

ЕИ ўз армиясига эга бўлмоқчи

Жорий йилнинг 19 ноябрь кунини Римда бўлиб ўтадиган ЕИ саммитида Италия билан Европа армиясини тузиш ташаббуси билан чиқмоқчи. Бу ҳақда мамлакат ташқи ишлар вазирини Франко Фраттини The Times газетаси мухбири билан суҳбатда айтиб ўтди.

Вазирнинг таъкидлашича Лиссабон шартномаси доирасида курули кучларни ҳам бирлаштириш лозим. Агар Хитой ва АҚШ катта иккиликка бирилашиб, стратегик иттифоқ тузадиган ва Шимоллий Атлантика блокни

Тинч океани блокига айлантирадиган бўлса, ЕИ яққалиб қолиши мумкин. Вазирнинг фикрича, НАТОда АҚШ жуда катта маъқега эга. Шунинг учун унга ишонч қилиб бормоқда.

Хозирда Европа Иттифоқининг хавфсизлиги масалалари билан ЕИ ҳарбий кўмитаси шуғулланади. Кўмита таркибига ЕИга аъзо мамлакатларнинг ҳарбий вазирлари кирган. Эслатиб ўтамиз, шу йилнинг 20 февраль кунини Европарламент фавқуллодда ҳолатларда тезлик билан бирлаша оладиган ҳарбий бирлашма тузиш учун овоз берган эди.

«Ида» келтирган зарар



Салвадорда «Ида» тўғони туфайли тошқин ва кўчки юз берди. Ҳукумат вакиллари маълумотларига қараганда, табиий офат туфайли 192 киши ҳаётдан кўз юмди. Тўғондан мамлакатнинг Сан-Висенте департаменти катта зарар кўрган. Бу ерда 89 киши ҳаётдан кўз юмган. Марказий Сан-Сальвадор департаментида ҳалок бўлганлар сони 64 нафарни ташкил этган. Шунингдек, Ла-Пас, Ла-Либертад ва Кускатлан департаментларида ҳам ҳалок бўлганлар бор. Хабарларга қараганда, яна 80 нафар киши бедарак йўқолган.

Мамлакат президенти Маурисио Фунес тез фурсатда табиий офатдан зарар кўрганларга озиқ-овқат ва дори-дармон етказиб берилишини маълум қилди. Табиий одат содир бўлган жойларга Сальвадор армиясини аскарлари жалб қилинган.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди.

ДАРАКЛАР

Автограф сотилди

АҚШда мамлакатнинг 35-президенти Жон Кеннедининг охириги автографи сотилди. Бу ҳақда The Daily Telegraph хабар тарқатди. Кеннедининг автографи бор газета кимосиди савдосида сотилди. Уни Калифорниядаги Profiles in History in Calabassas кимосиди савдо компанияси раҳбари 39 минг долларга сотиб олди ва автографни тезлик билан 250 минг долларга сўғурта қилди. Харидорнинг таъкидлашича, сўнги автограф кейинроқ Жон Кеннедининг бошқа буюмлари билан бирга кимосиди савдосига қўйилади.

Ҳеч ким зарар кўрмади

Германия муҳофаа вазири Карл-Теодор цу Гуттенберг расмий ташир билан Афғонистонга келди. У бу ерда мамлакат президенти Хамид Карзай, ташқи ишлар вазири Абдулла Раҳим Вардак, Афғонистондаги бирлашган халқаро кучлар раҳбари Стэнли МакКристалом билан учрашди.

Бир воқеа бўлмаганда, Карл-Теодор цу Гуттенберг сафарига ҳеч ким эҳтимол бу даражада эътибор бермаган бўларди.

Гап шундаки, сафар давомида вазирининг вертолётга толиблар ҳужум уюштиришди. Улар ердан туриб вертолётни ўққа тутдилар. Лекин вазири минг вертолёт зарар кўрмади. Хозирда Афғонистонда 4300 нафар германиялик аскар хизмат қилмоқда.

Хурматли юртдошлар!

«Асака» банки (ОАЖ) Сизларга қуйидаги янги муддатли омонат турларини таклиф этади



Миллий валютадаги омонатлар

- 1. «ЗИЁЛИ»**
Сақланиш муддати — 6 ой, омонат бўйича йиллик 30%дан 34% гача ҳисобланади. Ҳисобланган фоизлар ўқиш тўловлари учун йўналтирилади (институт, университет).
- 2. «МАНФААТЛИ»**
Сақланиш муддати — 6 ой, омонат бўйича йиллик 30% ҳисобланади.
- 3. «ИШОНЧЛИ»**
Сақланиш муддати — 6 ой, омонат бўйича йиллик 27% ҳисобланади. Ҳисобланган фоизлар омонат очилган кунини берилади.
- 4. «СТУДЕНТЛАР УЧУН»**
Сақланиш муддати — 4 йилгача, омонат бўйича йиллик 32%дан 38%гача ҳисобланади. Ҳисобланган фоизлар ўқиш тўловлари учун йўналтирилади (институт, университет).
- 5. «САМАРАЛИ»**
Сақланиш муддати — 6 ой, омонат бўйича йиллик 32% ҳисобланади. Ҳисобланган фоизлар коммунал ва бошқа тўловлар учун йўналтирилади.

Хорижий валютадаги омонатлар

- 1. «ОПТИМА» АҚШ ДОЛЛАРИДА**
Сақланиш муддати — 6 ой, омонат бўйича йиллик 12% ҳисобланади. Ҳисобланган фоизлар омонат очилган кунини берилади.


Филалар	коди	телефон рақами
1. Тошкент шаҳар	371	120-83-13
2. Автотранспорт филиали	371	120-39-95
3. Шайхонтоҳур филиали	371	140-39-36
4. Юнусобод филиали	371	225-16-46
5. Сирғали филиали	371	258-67-49
6. Тошкент вилояти филиали	371	120-84-13
7. Андижон вилояти филиали	374	224-40-96
8. Асака филиали	374	233-13-69
9. Фарҳод филиали	374	229-97-53
10. Фарғона вилояти филиали	373	224-70-83
11. Марғилон филиали	373	237-12-37
12. Олтариқ филиали	373	432-10-11
13. Қўқон филиали	373	552-61-04
14. Наманган вилояти филиали	369	226-94-75
15. Навоий вилояти филиали	436	223-54-32
16. Зарафшон филиали	436	573-18-78
17. Бухоро вилояти филиали	365	223-71-94
18. Бухоро шаҳар филиали	365	770-11-27
19. Самарқанд вилояти филиали	366	231-08-86
20. Афросиёб филиали	366	234-17-96
21. Қашқадарё вилояти филиали	375	221-12-93
22. Сурхондарё вилояти филиали	376	770-82-12
23. Қорақалпоғистон филиали	361	223-72-47
24. Хоразм вилояти филиали	362	226-97-78
25. Сирдарё вилояти филиали	367	225-44-03
26. Жиззах вилояти филиали	372	226-43-11

Ушбу омонат турларини банкнинг барча филиалларида очиш мумкин. Мурожаат учун: «Асака» банк (ОАЖ) филиаллари телефонлари: (8.371)120-39-81, 120-39-60, 120-39-63

«Асака» банки (ОАЖ) сармоянгиз сақлашни ва кўпайишини кафолатлайди. Барча омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади.

- Сизнинг омонатларингиз:
- солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод!
 - маълумотлари сир сақлашни тўлиқ кафолатланади!
 - эгаллик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда!
 - миқдори чекланмаган!

Хизматлар лицензияланган.



ЮРТ СУРУРИ

Ватани мадҳ этмоқ ҳар бир ижодкор учун бахт бўлса, охори тўқилмаган сатрлардан юрт сурурини англамоқ ўқувчи учун улуг саодатдир...



БУ ЙЎЛЛАР ЖАҲОНГА ЭЛТАДИ

Хар иккала асариди ҳам Юртбошимизнинг тарих олдидиги унутилмас, буюк иши — улугвор фаолияти ўзига хос бадиий акс эттирилган...

Мустақиллик аэми — тараққиёти, Озод Ўзбекистон қон томири — Бу Юртбошимизнинг ташаббуси билан бунёд этилган Тошгузар — Бойсун — Қумқўрғон темир йўли, мустақил мамлакатимизни жаҳонга олиб чиқилиши билан бирга халқимиз қалбидаги орзу-умидларини рўёбга чиқармоқда...

— Жуда яхши, кулуним, бўтам, Кел, қулоқ сол, ўқиб ол бир дам: Самарқанд бу шаҳарлар тахти — Соҳибқирон Темури пойтахти. Уни яхши билар ер юзи, Мудом уйгоқ кеча-кундузи. Тошкент эса Шарқнинг жамоли, Нур таратар қуёш мисоли.

«Икки оғайни» — шоир ва муҳандис диалогиди ҳам мамлакатимиз мустақиллик йиллари тубдан ўзгариб кетганлиги ҳақида ҳикоя қилинади. «Мулоқот»да йўлчи ота, Охунжон чол, Норкул бувалар тилидан йўлнинг аҳамияти, келажак ҳақида сўз юритилади.

Достонни мутолаа қилиш жараёнида Тўлан Низомнинг анча олдин матбуотда чиққан «Бу йўллар янги йўллар» мақоласидидаги ушбу сўзлари ёдимга келди. «Ўтган йили қиш ойларида камини дўстим, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Муҳаммад Али билан бирга «Аср қурилиши» деб аталган — Тошгузар — Бойсун — Қумқўрғон темир йўли қурилишида амалга оширилаётган қахрамона ишларни кўриб ҳайратга тушгандик. Ўз-ўзимдан мустақил юртимиз иқтисодий қудратининг қанчалик улугвор эканлигини билмоқчи бўлганлар бунга келиб кўрсин ва тан берсин дер эдик...» дейди.

«Темир йўл» достонини ўқиб, сиз ҳам мамлакатимиз келажакни белғилайдиган кучли омиллардан бири — ҳаётимиз қон томири ҳисобланган — бу темир йўл ўта зарур пайтда бунёд этилганига яна бир бор имон келтирасиз.


Сайфиддин ЖАЛИЛОВ, тарихчи олим.

Ҳайвонот оламига меҳр қўйган, унинг гўзаллигидан завқ олган инсоннинг қалби ҳар доим эзгуликка, гўзаликка эш бўлади. Қолаверса, мунис мавжудотларга меҳру шафқат кўрсатишдан кўра савобли иш йўқ.

Болалигимда фақат эртагу достонлардан ҳаёлимга кўчган беозор оху ва буғуллар, ноёб арслонлар, турфа қушларнинг камёб зотларини асраб қолиш учун тоғлар, поёнсиз биёбонлар эътиборда, дарёларга туташ тўқайзорларда вужудга келтирилган кўриқхоналар ҳақида кўп эшитгандим.

Бу гал Тошкент ҳайвонот боғига борганимда «Қизил китоб»га киритилган ноёб жонзотларни кўриб, илк бор ҳаёлимда кечган нарса шу бўлди: қачонлардир Осиёнинг бепоён кенгликлариди бу қулонлар, от ва туялар пода-пода бўлиб, эмин-эркин кезиб юришган. Бу турналар, лайлақлар, тоғ бургутлари осмонда галашииб парвоз этишган. Эндилкида бундай сўт эмизувчилар ва ноёб қушларнинг айримлари буткул йўқолиб, баъзи бирлари камёб бўлиб бораётгани кишини таъшишга солади. Лекин она табиятнинг нодир жонворларини беҳадик яшаб, кўпайиши учун бу боғда барча зарур шароитлар яратилгани кўнгилга таскин беради, албатта.

— Ушбу ҳайвонот боғи илк бор 1924 йилда биолог олимлар томонидан ташкил этилган.



Ўшанда 3 гектар ер майдонида 80 тур ҳайвонлар мавжуд бўлган, — дейди ҳайвонот боғининг бўлим бошлиғи Даврон Отабеков. — Мустақиллик шарофати тўғрисида 23,7 гектар ер олиниб, янги ҳайвонот боғи ташкил этилди. Асосан, 12 та бўлимдан иборат бу масканда, ҳозирги пайтда 180 дан орტიқ ишчи-ҳодимлар фаолият кўрсатади. Боғимизда жанубий-ғарбий тропик иклимининг ўзига хос табиятини севувчи 450 турдан ортиқ жонзотлар махон тутган. Бу ерда «Қумушқон», «Баҳмал» каби кўриқхоналардан келтирилган ноёб ҳайвонлар, жумладан, Зоимнинг оқ тирноқли айиқлари, Бухоро буғулари, бурама шоҳли эчкилар, турфа қушларнинг ноёб турлари ҳам мавжуд.

Ҳайвонот боғимизда юртимиз-

ИНСОН ТАБИАТ ШАЙДОСИ



даги турли кўриқхоналар қаторида хориждаги ҳайвонот боғлари билан ҳам ҳамкорлик йўлга қўйилган. Масалан, Малайзиядан келтирилган 5 турдаги маймунлар (булар орасида энг ноёб тур саналган — оқ қўли тиббон, лангурлар, лангурлар бор) боғ ичидида яратилган кичик боғларда, 15 турдаги балиқлар махсус аквариумларда парвариш қилинади. Бундан ташқари, океанлардан келтирилган акулалар, Нил тимсоҳлари, захарли илонлар ва «Қизил китоб»га киритилган йиртқичлар оиласига мансуб ҳайвонлар бу ерга келувчи инсонлар қалбиди катта таассурот қолдирмоқда. Хар йили сўт эмизувчи ҳайвонлардан 2-3 бош зурриёб олами. Энг катта ютқичларимиздан бири Американинг энг йиртқич қуши саналган кондор бургутидан ҳам зурриёб олишга муяссар бўлди. Шу пайтгача ҳақонда бунга эришиш

ни урчишиб кўпайтиришга ихтисослашган бу боғ кенгайиб бормоқда. Буни жорий учун хорижий сайёҳлар, кўплаб юртдошларимиз ота-оналар, мактаб ўқувчилари ва талабаларнинг қизиқиби келишга татгани ҳам бизни бефарқ қолдирмади.

— Мусаффо осмонимиз ўзга парвоз қилаётган қушлар, айниқса, гозлар, лайлақлар, оқ турналарни кўп кузатганман, — дейди бу ерга томоша учун келган мактаб ўқувчиси Ситора Бердиева. — Лекин мажур масканда айниқса, қалбини Миср араб қушининг мафтункорлиги маъв этди.

Дарахтдан-дарахтга сакраб рақс тушаётган олмаҳонларни кузатиш, сайроқи қушларнинг хуш овозини тинглаш кишига ёқди, албатта. Айниқса, болажонлар ҳудди эрталар оламига кириб қолганда, бу мунис мавжудотларга ўзгача қизиқиш ва ҳайрат билан боқиб киши ҳам тўқинлангайиб юборди.

— Дадам мактабда аъло баҳоларда ўқисанг, кузи таътилда ҳайвонот боғига олиб бораман, деб ваъда берганди. Бу ерга ота-онам, ака-сингилларим билан бирга келдик. Китоб ва расмларда кўрган қушлар ҳамда ҳайвонларни табиий кўриб қувондим, — дейди Фаргона вилоятининг, Фурқат туманидаги 16-мактаб ўқувчиси Муаттар Воқосқонова. — Боғда оқ тирноқли айиқлар, боласини кўйинида олиб юрадиган кенгурлар, энг яхши кўрган қахрамоним симбанинг энг хавфли душмани сиртланди тўдасини ҳам учратдим. Баҳайбат филлар ва бегемотлар билан дўстлашдик. Бу боғ биз ўйлагандан ҳам чиройли экан. Хар бир жонзот кўзимга беозор кўринди.

Ҳайвонот боғига келган бу митта юраклар табиат билан ошно тўтингани кўнгилмизни хотиржам қилди. Аслида бу фаройи олам табиатнинг бир бўлағи ўқшади. Улар ҳам ҳаёт тарзимидаги ўқшаган умр кечиради. Фақат биз кўкда «кур-кур»лаб учаётган турналарнинг «тили»ни тўшунмаймиз, холос.

Хуллас, она табиятнинг сирли-синоатли гўшаси — Тошкент ҳайвонот боғига юқорида айтганимиздек, кунига юзлаб юртдошларимиз, кўплаб хорижий меҳмонлар, айниқса, болажонлар ташриф буюришади. Ва албатта, ошам-олам завқ-шавқ олиб қайтишади.

Адиба УМИРОВА

СПОРТ

КУБОК МУСОБАҚАЛАРИ ЯКУНЛАНДИ

Бухоро шаҳрида чим устида хоккей бўйича хотин-қизлар жамоалари ўртасида Ўзбекистон кубоғи баҳслари бўлиб ўтди. Мусобақада Бухородаги 4-ихтисослашган олимпия заҳиралари спорт мактаби, Самарқанд олимпия заҳиралари спорт коллежи, Андижон ихтисослашган олимпия заҳиралари спорт мактаби жамоалари ҳамда Бухоро вилоятининг «Ситора» ва Наманган вилоятининг «Учқўрғон» жамоалари ғолиблик учун кураш олиб борди.

Кейинги йилларда республикамизда спортнинг чим устида хоккей тури анча ривожланди ва оммалашди. Буни жорий йилда бўлиб ўтган мусобақа ҳам исботлади. Қўтилангидек ҳар бир баҳс қизиқарли ва мurosасиз кечди. Барча учрашуларда рақибларига қаршилик кўрсата олган Бухоронинг «Ситора» жамоаси қизлари эса Ўзбекистон кубоғини қўлга киритди.

Эслатиб ўтамиз, улар жорий йилда Ўзбекистон чемпионатида олтин медалга сазовор бўлган эди.

ПОЙТАХТЛИКЛАР БИРИНЧИ ЎРИНДА

Пойтахтимиздаги «Миробод» спорт мажмуасида бадиий гимнастика бўйича халқаро турнир бўлиб ўтди. Унда турли мамлакатлардан келган 150 дан ортиқ ёш спортчилар иштирок қилишди. Турнирда муваффақиятли катнашган ҳамюртларимиздан Лайли Иброҳимова, Комилла Гареева, Елена Ким, Дария Волкова, Зарина Нигматова, Сарвина Холиқова, Дария Свечниковалар ўз истеъдодларини намойиш этишди.

Мусобақада умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни тошкентликлар эгаллаган бўлса, иккинчи ўрин бухороликларга ва учинчи ўрин озарбойжонлик спортчиларга насиб қилди.



ФИФАНИНГ ҚАРОРИ

Халқаро футбол федерацияси (ФИФА) футбол бўйича Аргентина терма жамоаси мураббийи Диего Марадонани ҳақоратли гаплари учун икки ойга дисквалификация қилиш ва афсонавий футболчини йигирма беш минг Швейцария франки миқдорига жаримага тортиди. Бу ҳақда Рейтер ахборот агентлиги хабар тарқатди. Ёдингизда бўлса, Диего Марадона Аргентина терма жамоаси ҳақон чемпионатида иштирок этиш учун йўланмани қўлга киритганидан сўнг, телевидение орқали унга ишонмаган кишиларга ва мухлисларга ҳақоратли гаплар гапирганди.

ФИФАнинг дисквалификация қилиш тўғрисидаги қарори жорий йилнинг 15 январидан амал қилади. Табиийки, бу Аргентина терма жамоасига салбий таъсир кўрсатмайди. Негаки, ушбу терма жамоа иштирок этади-ган ҳақон чемпионати ўйинларига келгуси йилнинг июнь ойида старт берилади.

ШВЕЙЦАРИЯ ЁШЛАРИ ЖАҲОН ЧЕМПИОНИ

Футбол бўйича ўн етти ёшгача бўлган Швейцария терма жамоаси ўз тарихида биринчи марта жаҳон чемпиони деган номга сазовор бўлди. Нигерияда бўлиб ўтган мусобақанинг финалида улар майдон эгаларини мағлубиятга учратишди. Уйиннинг олтинчи дақиқасида Харис Сеферович томонидан киритилган ягона тўп учрашу тақдирини ҳал этди. Бу футболчининг мазкур турнир давомидаги бешинчи голидир. Шу тариқа финал учрашуви қахрамони Харис Сеферович жаҳон чемпионатининг тўпўрағига ҳам айланди.

Жаҳон чемпионатида учинчи ўринни эса Испания терма жамоаси эгаллади. Улар колумбияликларни 1:0 ҳисобида мағлуб этишга эришди.

Баҳодир РЎЗИЕВ тайёрлади.

Тошкент шаҳар статистика бошқармаси томонидан Мирзо Улугбек номидаги технология касбхона коллежида 15.07.1994 йилда берилган 1147-сонли вужоҳнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси уюшма аъзоси, фахрий журналист, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Назармат ИҒАМНАЗАРОВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва ақинларига чуқур ҳамдардлик билдиради.


Фарзандларимиз бахтини ўйласак...

Бир қўшимчи бўларди. Беш нафар ўғли бор эди. Тўнғичига қиз қидириб юрганида туғишган акаси қизини бермоқчи бўлиб ўртага одам қўйибди. Ўғлига ҳам маъқул келгандек бўлибдию, қайнонаси қариндошдан қиз олиш тўғри эмас, деб туриб олибди. Қўшимчи акаси қайнонасида ҳасрат қилиб юрдию, барибир ўғлига хиянини олиб берди. Ўзиники эмасми, яхшисини оширди, ёмонини яширди. Қариндошдан куда қилсанг боласига таъсир қилади, дегувчилар келиннинг кетма-кет соғлом фарзанд кўргангани эшитиб, бирови хурсанд бўлди, бирови тилини тишлади, яна бирови «Ҳаммаси худодан» деб қўя қолди...

Чиндан ҳам яқин қариндошлар орасидаги никоҳларда авлоднинг насл касалликлари билан шикастланиш хавфи жуда юқори. Чунки бундай оилаларда зарарли генларнинг бир-бири билан учрашиш тасодифи ошиб кетади. Шу боисдан ҳам яқин қон-қариндошлар никоҳидан туғилган чақалоқларнинг чала туғилиши каби ҳолатлари ҳам кўп бўлади. Тиббий кузатувлардан маълум бўляптики, қариндошлар ўртасидаги никоҳ натижасида туғилган фарзандларда турли хасталиқлар ҳам учраши мумкин.

Шундай кўнгилсиз воқеаларнинг олдини олиш, ёш авлоднинг соғлом ва бахтли бўлиб ўсиши учун ҳозирги вақтда кўплаб шифохоналарда тиббий генетик маслаҳатхоналар мавжуд. Оилада ирсий касаллик бор-йўқлигидан қатъи назар турмуш қуришдан олдин, албатта генетик шифокордан маслаҳат олиш лозим бўлади. Қариндошдан куда қилишнинг асоратлари ҳақида кейинги пайтларда жуда кўп фикрлар билдирилди, бироқ ҳали-ҳануз баъзи жойларда бундай никоҳларга кам бўлса-да йўл қўйилмоқда. Кимларгадир ақл ўргатмоқчи эмасми-у, қариндошга куда бўлишдан аввал ҳар бир ота-она фарзанди бахти, иқболи, келажак, муҳими соғлиғини ўйлаб иш тутса, аини муддао бўларди.

Феруза ЁҚУБОВА, Шайхонтоҳур тиббиёт коллежи ўқитувчиси.



Фарзандларимиз бахтини ўйласак...

HURRIYAT MUSTAQIL GAZETA. Ушбу маълумотлар ва ташкилотлар учун — 233

Бош муҳаррир: Абдурасул ЖУМАКУЛ. ТАХРИР ХАЙЪАТИ: Хуршид ДУСТМУХАММАД, Азамат ЗИЕ, Нам ҚАРИМОВ, Тўлан НИЗОМ, Абдуқаҳҳор ИБРОҲИМОВ, Хосел ҚАРИМОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Шерзод ҒУЛОМОВ. Тахририятга келган хатларга ўзига жавоб қайтарилади.

Тахририят манзили: Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. e-mail: hurriyat@doda.uz. Телефонлар: 236-53-31, 236-56-38, 236-53-38, 236-75-15, 233-67-51. Реклама ва маркетинг бўлими: 236-55-13. Тел-факс: 233-36-02. ВИЛОЯТ МУҲБИРЛАРИ: Қоракалпоғистон Республикаси — 8-361-505-19-11. Андижон — 8-374-250-90-39. Бухоро — 8-365-592-85-02. Самарқанд — 8-366-233-62-12. Тошкент — 8-370-383-97-53. Қашқадарь — 8-375-310-17-73. Сирдарё — 8-372-366-99-21. Сурхондарё — 8-376-370-12-01. Фарғона — 8-373-225-80-58. Хоразм — 8-362-224-73-33.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди. Манзил: Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Навбатчи: Азим РЎЗИЕВ. Топшириш вақти — 21.00. Топширилди — 23.20. Адади: 9838. Буюртма — Г-1026 123 5.